

7932  
14-69

И С Х О К Ж О Н  
Н И Ш О Н О В

XXI АСР ДЕТЕКТИВИ

КОРАЧАЁН



## АФФОНИСТОН

Куёш борлиқни тандирдек қиздираётган бўлса-да, уйи бузилган чумолилардек ҳар ён сочилиб, бир-бирининг устига қашқирдек ташланаётган жангариларнинг қийқириклари момақалдиروقдек гумбирлаб борлиқни ларзага келтирганди. Уларни очлик ва ташналик ҳолсизлантирган бўлса-да, ўзларининг олти ой олган билимларини йўлбошчи олдида намоёйиш қилишарди. Шу сабабли ҳеч нарсага аҳамият беришмасди. Жон-жаҳдлари ила автоматлардан тоғу тошларга қарата ўқ ёғдиришарди. Ўқлар чийиллаб, тирноқдек тошни кўчириб ташларди. Жангарилар тишларини гижирлатиб, бир-бирларини ғажиб ташлагудек олишардилар. Бировни биров аямасди. Ҳеч ким оғриқни ҳис этмасди. Бугунги имтиҳондан ўтганлар жонларига тегиб кетган, дўзахни эслатувчи бу жойни тарк этишларини ҳамма биларди. Аввал ваъда қилинган юртларга жўнаш, шоҳона ҳаёт, банклардаги катта миқдордаги пулларга эғалик қилиш иштиёқи уларнинг қалбидаги эзгуликни, юртга, халққа, ота-онага бўлган меҳр-муҳаббатни зулукдек сўриб олганди. Уларнинг кучига куч қўшаётган нарса ҳам мана шу бойлик эди. Қора терга ботган жангарилар ора-сира лагеръ томонга қараб кўйишарди. Чодир тепасидаги оқ байроқнинг туширилишини кутишарди.

Раҳнамо дурбинга кўзларини қадаганча машғулот майдонидан нигоҳ узмасди. Назарида, ишлаб чиқилган дастурга биноан машқлар бекаму-кўст адо этилаётганди. Шундай бўлса-да, меҳмоннинг кўнгилида андак доғ пайдо бўлганди. Йигитларнинг ҳаракатларида нимадир етишмаётгандек, аниқроғи, олишаётганда бир-бирларини аяшаётгандек туюларди. Саид Мустафо меҳмоннинг гоҳи-гоҳида бош силкитиб кўйишидан шуни пайқади. У йигитларига қаттиқ

ишонарди. Назарида, улар нуқсонсиз ҳаракат қилишаётганди. Саид Мустафо олти ой давомида жангариларни айдоқчиликка, кўпоровчиликка, хуфёна ишларга, одамларни кийнаб, азоблаб ўлдиришга ўргатди. Ҳар бир йигит билан алоҳида ишлади. Ўзини кўрсатган йигитларни саралаб олди.

Ниҳоят, меҳмон ўрнидан турди. Унинг япалоқ юзи иссиқдан бўғриқиб кетганди. Лагерь бошлиғи ортида турган ёрдамчисига ишора қилди. Байроқ пастга туширилди.

- Кўриниб турибди-ки, сен бутун эътиборни ўқотиш қуролларидан фойдаланишга қаратгансан. Бу биз учун унчалик муҳим эмас. Қурол билан одамларни бўйсундириш замони аллақачон ўтиб кетган. Ҳа ҳар қандай қуролдан кучли эканлигини унутма. Одамларимиз бизнинг гоёларимизни ўзгаларнинг онгига сингдиришда ўта абжир ва билимдон бўлишлари керак. Бунинг учун, аввало, йигитларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш керак.

- Аммо, раҳнамоларнинг кўрсатмасига асосан...

Саид Мустафо айтмоқчи бўлган гап бўғзида қолди. Меҳмон лагерь бошлигининг қизарган юзига боқди ва унинг сўзини бўлди.

- Бундан хабарим бор. Раҳнамоларимиз шу йўлни танлаб катта хато қилишган. Бу ҳақда уларга кўп бор таъкидладим, афсуски, улар мени тушунишни ишташмади. Ишончим комилки, вақти келиб ўз хатоларини англаб етишади.

- Унгача биз кўп нарсаларни бой беришимиз мумкин! - Саид Мустафо меҳмоннинг фикрига қўшилдию, аммо бир нарсага ақли калталиқ қилди. Миллионлаб маблағ сарф қилаётган кимсалар нега қурол етказиб беришга аҳамият беришяпти? Ахир бу йигитлар лагердаги тайёргарликни ўтаб бўлганларидан сўнг ўз юртларига қурол билан жўнашмайди-ку? Меҳмон айтмоқчи, бу йигитлар аввало ўз гоёларини тарғиб қилишлари шарт.

Меҳмон лагерь бошлигининг кўнглидан кечаётган

ўйдан хабардордек:

- Тўғри, қурол билан ҳам ишлашни ўрганиш лозим. Ленин биз йигитлар онгини гоё билан бойит-саккина асл мақсадимизга етишимиз мумкин. Буни асло унутмаслик керак. Яна бир бор айтаманки, бизнинг энг ишончли қуролимиз бу - гоё! - деди.

- Унда биз ўтказаетган машғулотлар бесамар экан-да, - мақсадини айтди Саид Мустафо. - Менимча, қурол ҳукмрон бўлган жойда одамлар қўрқувда яшайди. Инсониятни қўрқитишнинг бирдан бир йўли бу - қурол.

Меҳмон толиққан ва ҳориган бўлса-да, лагерь бошлиғи билан мунозарани давом эттириш мақсадида унинг елкасига қўл ташлади.

- Сен шуни унутмагинки, биз тайёрлаётган йигитларнинг қўллари қон бўлса-да, тиллари ширин бўлиши керак. Тиллар ўзгаларни илон мисоли аврашга хизмат қилсин. Кўзларида меҳр учқуни ёниб турсин-у, аммо шу «меҳр», деб аталувчи учқун истаган пайтда ғанимларни ёндирсин.

- Йигитларимни қайта тарбияламоқчимисиз? - сўради Саид Мустафо. Меҳмон саволга жавоб қайтаришга шошилмади. У дим ҳаво анқиб турган чодир ичида юрар экан, туйнук ёнига келиб тўхтади.

- Одамларни тарбиялаш ва мақсадимиз йўлидаги хайрли ишга сафарбар қилишга шошилмаслик лозим, бўтам. Биз ишни қанчалик пухта қилсак, мақсадимизга эришиш йўлида ҳаракатимиз ҳам шунчалик осон кўчади. Йигитларингнинг тайёргарлиги менга маъқул. Улардан кўнглим тўлди!

Саид Мустафонинг қоронғу кўнгли ёришди. Устозининг ёнига келди.

- Демак, мен бу ердан кетишга тайёргарлик кўраверсам бўлади.

Меҳмон лагерь бошлиғининг юзига тикилди. Ичичига ботиб кетган кўзларидан зерикканлигини, олдиндан ваъда берилган юртга кетиш истагида

ишонарди. Назарида, улар нуқсонсиз ҳаракат қилишаётганди. Саид Мустафо олти ой давомида жангариларни айдоқчиликка, кўпоровчиликка, хуфёна ишларга, одамларни кийнаб, азоблаб ўлдиришга ўргатди. Ҳар бир йигит билан алоҳида ишлади. Ўзини кўрсатган йигитларни саралаб олди.

Ниҳоят, меҳмон ўрнидан турди. Унинг япалоқ юзи иссиқдан бўғриқиб кетганди. Лагерь бошлиғи ортида турган ёрдамчисига ишора қилди. Байроқ пастга туширилди.

- Кўриниб турибди-ки, сен бутун эътиборни ўқотиш қуролларидан фойдаланишга қаратгансан. Бу биз учун унчалик муҳим эмас. Қурол билан одамларни бўйсундириш замони аллақачон ўтиб кетган. Ҳа ҳар қандай қуролдан кучли эканлигини унутма. Одамларимиз бизнинг гоёларимизни ўзгаларнинг онгига сингдиришда ўта абжир ва билимдон бўлишлари керак. Бунинг учун, аввало, йигитларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш керак.

- Аммо, раҳнамоларнинг кўрсатмасига асосан...

Саид Мустафо айтмоқчи бўлган гап бўғзида қолди. Меҳмон лагерь бошлигининг қизарган юзига боқди ва унинг сўзини бўлди.

- Бундан хабарим бор. Раҳнамоларимиз шу йўлни танлаб катта хато қилишган. Бу ҳақда уларга кўп бор таъкидладим, афсуски, улар мени тушунишни ишташмади. Ишончим комилки, вақти келиб ўз хатоларини англаб етишади.

- Унгача биз кўп нарсаларни бой беришимиз мумкин! - Саид Мустафо меҳмоннинг фикрига қўшилдию, аммо бир нарсага ақли калталиқ қилди. Миллионлаб маблағ сарф қилаётган кимсалар нега қурол етказиб беришга аҳамият беришяпти? Ахир бу йигитлар лагердаги тайёргарликни ўтаб бўлганларидан сўнг ўз юртларига қурол билан жўнашмайди-ку? Меҳмон айтмоқчи, бу йигитлар аввало ўз гоёларини тарғиб қилишлари шарт.

Меҳмон лагерь бошлигининг кўнглидан кечаётган

ўйдан хабардордек:

- Тўғри, қурол билан ҳам ишлашни ўрганиш лозим. Лекин биз йигитлар онгини гоё билан бойит-саккина асл мақсадимизга етишимиз мумкин. Буни асло унутмаслик керак. Яна бир бор айтаманки, бизнинг энг ишончли қуролимиз бу - гоё! - деди.

- Унда биз ўтказаётган машғулотлар бесамар экан-да, - мақсадини айтди Саид Мустафо. - Менимча, қурол ҳукмрон бўлган жойда одамлар қўрқувда яшайди. Инсониятни қўрқитишнинг бирдан бир йўли бу - қурол.

Меҳмон толиққан ва ҳориган бўлса-да, лагерь бошлиғи билан мунозарани давом эттириш мақсадида унинг елкасига қўл ташлади.

- Сен шуни унутмагинки, биз тайёрлаётган йигитларнинг қўллари қон бўлса-да, тиллари ширин бўлиши керак. Тиллар ўзгаларни илон мисоли аврашга хизмат қилсин. Кўзларида меҳр учқуни ёниб турсин-у, аммо шу «меҳр», деб аталувчи учқун истаган пайтда ғанимларни ёндирсин.

- Йигитларимни қайта тарбияламоқчимисиз? - сўради Саид Мустафо. Меҳмон саволга жавоб қайтаришга шошилмади. У дим ҳаво анқиб турган чодир ичида юрар экан, туйнук ёнига келиб тўхтади.

- Одамларни тарбиялаш ва мақсадимиз йўлидаги хайрли ишга сафарбар қилишга шошилмаслик лозим, бўтам. Биз ишни қанчалик пухта қилсак, мақсадимизга эришиш йўлида ҳаракатимиз ҳам шунчалик осон кўчади. Йигитларингнинг тайёргарлиги менга маъқул. Улардан кўнглим тўлди!

Саид Мустафонинг қоронғу кўнгли ёришди. Устозининг ёнига келди.

- Демак, мен бу ердан кетишга тайёргарлик кўраверсам бўлади.

Меҳмон лагерь бошлиғининг юзига тикилди. Ичичига ботиб кетган кўзларидан зерикканлигини, олдиндан ваъда берилган юртга кетиш истагида

тузимизни еб, қочишни хаёл қилишган бўлса, уларнинг жазоси ўлим! Токи бу бошқаларга ибрат бўлсин.

- Шундай, ҳазрат!

- Сиз қочоқларни яхши танийсизми?

- Бирга хизмат қилганман. Қосим туркман. Игорь дегани ўрис. Магаданлик!

- Улар нима учун қочмоқчи бўлишди, аниқладингизми?

- Йўқ..

- Сабаб?

- Иккисининг отаси коммунист, худосизлар!

- Буни билар экансиз, нега аввалроқ лагерь бошлигини огоҳлантирмадингиз?

- Келажагимиз яхши бўлишини, бой-бадавлат яшашимизни уларга кўп бор тушунтирдим. Афсуски, гапла-римга қулоқ солишмади. "Сен хоинсан", деб мени сўкишди. Шундан кейин Саид Мустафо жанобларини хабардор қилдим.

- Улар қочмоқчи бўлишганда қўлга олдик, - гапга кўшилди лагерь бошлиғи.

- Яхшики вақтида пайқабсизлар. Акс ҳолда, юртига бориб, ҳаммага ўзларини қаҳрамон кўрсатиб, сиздек содиқ биродаримизни жосусга чиқариб, мақтаниб юришарди. Энди улар ишончимизни йўқотишди. Йигитларимизнинг кўз олдида жазосини беришингиз керак. - Карим Ризо «нима дейсан?» дегандек Қорачаёнга юзланди. У раҳнамонинг кўзига тик қарашга ботинолмади.

- Тўғри таклиф, ҳазратим, - деди шоша-пиша.

- Бу ишни ўзингиз уддалайсиз-да, бўтам.

Қорачаённинг ранги оқариб кетди. Лекин буни сездирмаслик учун ерга қаради. Ҳазрат ундан жавоб кутди. Саид Мустафо устозига, сўнг Қорачаёнга қаради.

- Мен берадиган жазо сизни қониқтирармикин, ҳазратим?

Карим Ризо кулди.

- Тасанно, бўтам, минг бор тасанно! Қани энди

сиздек камтарин. гапга чечан йигитлар сафимизда кўпроқ бўлса.

Олқишдан Қорачаён яйраб кетди.

Карим Ризо белига қистирилган олмос тигли хан-жарни олиб Қорачаённинг қўлига тутқазди.

- Мени тушундингизми, бўтам?!

- Тушундим, ҳазрат, - Қорачаён қўлини кўксига босди.

- Аллоҳ мададкор бўлсин.

Саид Мустафо маъноли бош ирғади. Қорачаён чодирдан чикди.

- Чакки эмас, анчагина айёр кўринади, - деди раҳнамо шогирдига.

- Дарвоқе, нега «Қорачаён» деб ном бердингиз?

- Ҳазратим, агар эътибор берган бўлсангиз қора тусли чаён ўзининг ўткир заҳари билан ажраб туради. У ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳатто ўз боласига ҳам пайт пойлаб нишини санчади. Бизнинг бу йигитимиз худди ўша Қорачаёнга ўхшаб кетади. Ўзининг энг содиқ ва сирдош дўстларини аяб ўтирмайди. Игнанинг учидай айбини топса, жазолайди.

Ҳазрат бу сўзларни эшитиб, бош ирғаб қўйди.

Машгулотдан қайтган йигитлар ерда чўзилиб ётишарди. Айримлар жароҳат олган жойларини боғлашар, йиртилган кийимларини тикишарди. Ичкаридан чиққан Қорачаён ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди. У ўзига тикилган нигоҳларга аҳамият бермай ўтиб кетди. Зиндон тепасига келиб пастга қаради. Ер остида икки тутқун бир-бирининг елкасига суянганча ўтиришарди. Очлик ва ташналикдан озиб-тўзиб кетган, юзлари оқариб, чакка суюклари ирғиб чиққан йигитлар Қорачаённинг тепаларига келганини пайқашмади. У бир сиқим тупроқни олиб пастга ташлади. Шунда улар юқорига қарашди.

- Қалайсанлар?!

Йигитлар индашмади.

- Қайси биринг озодликка чиқишни истайсан? -



Қорачаён гўё уларни озод қилиш учун келгандек керилиб сўради. Тутқинлар унинг мақсадини билишмади.

- Нима бўлди сенларга, бу ерда ётиб, гаплашишни ҳам унутиб қўйганмисанлар, дейман? Сенлардан сўраяпман, қайсинг юртингга кетмоқчисан?!

Кўзларида умид учқуни чақнаган йигитлар бир-бирларига қарашди.

- Гапирасанларми ёки ўзим тушиб сайратайми? Кеча тилинг бурро эди-ку? Ҳамманинг олдида Ватанга кетамиз, ўлсак ҳам Ватан кучоғида ўламиз, деб айюҳаннос солаётгандинг-ку! Ёки захда ётиб, ақлинг кириб қолдими? Мен бугун сенларга қочишни, Ватанни соғиниш қанақалигини кўрсатиб қўяман! - Қорачаён жаҳл устида мақсадини ошкор қилиб қўйди. - Қосим, чиқ ташқарига! Бузғунчиликни сен бошлагансан, ажрини аввал сен олишинг керак!

Тутқунларнинг иккинчиси рус эди. Учаласи бир қисмда хизмат қилишган, жангарилар билан бўлган жангда ўқлари тугаб асирга тушишганди. Қорачаён ўзини горнинг ичига уриб, жон сақлаган бўлса, Игорь билан Қосимга ўқ тегиб қолган эди.

Қосим дўстининг бағрига ўзини одди.

- Сенга хизмат қилгандан кўра шу зиндонда ўлиб кетганимиз яхши, - деди Игорь.

Қорачаённинг ғазаби тошди. Йигитлардан иккитасини эргаштириб келди. Уларга Қосимни тутиб чиқишни буюрди. Игорь билан Қосим ўринларидан туриб, бир-бирларини маҳкам қучоқлаганча жангариларга қаршилиқ кўрсатишди. Икки дўстни ажратишга кўп уринишди. Тутқунларнинг қаршилиқ кўрсатаётгани Қорачаённи ғазаблантирди.

- Уринглар, тепинглар, аяманглар, қўлларини синдириглар! - тепадан кўрсатма берарди Қорачаён. - Биринчи бўлиб Қосимни тутинглар!

Жангарилар йигитларнинг дуч келган жойига гоҳ мушт билан, гоҳ оёқлари билан тепишарди. Бироқ, икки дўстни ажратиш қийин эди. Улар бир танага

айланиб кетганди. Зарбалар ҳам ажратолмасди. Жангарилар Қосимнинг қўлини қайиришди. Сочидан чангаллаб судрашди. Игорь жон-жаҳди билан уларга ташланди. Тартибсиз ҳолда рақибларини урарди. Бир амаллаб дўстини қутқарди.

- Аввал Игорни уринглар. Ҳой, Зафар! Нега бўшашасан, онангни!.. Ёки сен ҳам унга шерикмисан! - бакирарди Қорачаён! - Қовуғига теп, аяма!

Жангарилар энди Игорга ёпишишди. Бошини қайириб, оркага тортишди. Кимдир чотига тепди. Игорнинг кўзидан ўт чақнаб, ерга йиқилди. Яна бир жангари юзига мушт туширди. Шундай бўлса-да, Игорь дўстининг кийимидан қўйиб юбормади. Қосим оёқ остида ётган Игорни ўрnidан турғазмоқчи бўлди. Бирок, бунга улгуролмади. Кўзи қонга тўлиб, ҳайвондек қутуриб кетган жангарилар унинг дуч келган жойига гоҳ тепиб, гоҳ қўллари билан ура бошлашди. Игорнинг кўз олди қоронғилашиб, борлиқни зулмат босгандек бўлди. Қулоқлари чип битганди. На қутурган туядек гир айланиб юрган Қорачаённи, на ер тубида қаҳр-ғазабини босолмай бўкираётган кимсаларнинг овозини эшитарди. Ҳолдан кетиб, чўзилиб ётган Игорни қайта ўрnidан туролмаслигига кўзи етган жангарилар энди Қосимга ташланишди. Улар қўлларини кериб, бўйинларини кенг елкаси ичига тортиб, деворга беқол ва бемажол суяниб турган Қосимнинг устига бостириб келишарди. Йигит уларга қаршилиқ кўрсатиш бефойдалигини тушуниб етганди. Шундай бўлса-да, жангарилар унинг қўлига ёпишишди. Қайириб, додлатиб, бу ҳам камлик қилгандек букчайиб турган шўрлик йигитнинг орқа-сига мушт ёғдириб ерга йиқитишди. Қорачаён, ни-ҳоят, бошини кўтариб, енгил нафас олиб, яна кўрсатма бера бошлади.

- Белидан арқонга боғланглар!! Тўхта, Дамир. Аввал баттолнинг қўлини қайириб, боғланглар. Чўнтагини қаранглар-чи, пичоғи йўқмикин?!

Дамир инграб ётган Қосимнинг чўнтақларини

титиб чикди.

- Ҳеч нарса йўқ!

Беш-олтита йигит келиб уни тепага тортиб олишди. Чодир ёнига судраб келишди. Чарчоқлари ёзилган жангарилар тўпланишди. Ичкаридан Саид Мустафо меҳмонни бошлаб чикди.

- Қўрқма! - деди Қорачаён қўл-оёғи боғлаб ташланган Қосимга. - Булар бошлиқларимиз, сенга ёмонлик қилишмайди. Сен билан суҳбатлашишади. Агар уларнинг таклифига кўнсанг, қўйиб юборишади. Хоҳлаган томонингга кетишинг мумкин.

Қосим типирчиларди. Қорачаён оёғини унинг кўкрагига қўйди. Йигитнинг кўзлари ёшли эди. Карим Ризо тутқуннинг тепасига келди.

- Арқонни ечиб ташланглар, - амр қилди меҳмон.

Жангарилар тутқуннинг қўлларини бўшатишди.

- Ўрнингдан тур-чи, бўтам, - мулойим овозда деди меҳмон. Қосим туролмади. Зиркираётган бадани бунга имкон бермади.

- Сен биздан хафамисан, чироғим?

- Йўқ.

- Унда нега бу ердан қочмоқчи бўлдинг?

- Уйимни, ота-онамни соғиндим!

- Шундай де. Ватанни соғиндингми?

- Ҳа...

- Бу ер ҳам сенга Ватан, бўтам! Мана, атрофингда дўстларинг, қадрдонларинг. Хоҳлаган нарсанг муҳайё. Яна нима керак сенга, бўтам?

- Мен ўз юртимга қарши курашмайман!

Йигитни ўз элагидан ўтказган Карим Ризо уни йўлга сололмаслигини тушунди. Ҳазабини ичига ютди. Қосимнинг тақдирини йигитлар ихтиёрига топширишни ўйлади.

- Азаматлар, бу йигитни қўйиб юборсак майлими? Нима дейсизлар? Момақалди роқ мисоли гумбурлаган ҳайқириқ борлиқни ларзага келтирди.

- Хоинга ўлим!

- Ўлим!!

- Ұлим!!

Жангариларнинг қўлидаги автоматлар тилга кирди. Ұқ овозлари ҳайқириқларга кўшилиб олисларга таралиб кетди. Зиндон тубида қонига беланиб ётган Игорь қулоқларига чалинган товушлардан ўзига келиб, бошини кўтарди. Ҳрнидан туришга ҳаракат қилдию, бироқ мадорсиз қўллари эзилиб кетган танасини кўтаролмади. Қайтадан йиқилди.

Карим Ризо қўлларини кўтарди. Бақир-чақирлар босилди. У дилдираб турган тутқунга тикилди. Кўпчилик олдида ўзининг раҳмдиллиги ва меҳрибонлигини кўрсатиб қўйишни хоҳлаганди.

- Мана, чирогим, халқ устингдан қандай ҳукм чиқарганини қулоғинг билан эшитдинг, - деди тутқунга.  
- Дўстларинг сен учун ўзларининг адолатли ажримини чиқарди. Мен бўлсам сени озод қилиш ниятида эдим. Афсуски, ёлғизман, сени ҳимоямга ололмайман.

Меҳмон шу сўзларни айтиб жим қолди. Қосим ёшли кўзларини меҳмонга тикканча тек тураверди. Қорачаён сафдошининг орқа томонига ўтди ва қулоғига шивирлади.

- Ҳазратнинг гапини эшитдингми, оёғига йиқил, тавба қил, кечирим сўра. Шундай қилсанг гуноҳингни кечадилар. Яна бирга бўламиз. Хорижий мамлакатларда худди эртақлардаги пошшолардек яшаймиз. Бой-бадавлат бўлиб кетамиз. Даста-даста пул топиш турганда Ватан сенга нима қилиб берарди? Пулинг бўлса, уй-жойли бўласан, шоҳлардек яшайсан. Бойлик ва мол-дунё сен учун ҳам ота-она, ҳам юрт, эй нодон. Дунёда яшашдан мақсад пул топиш, бойлик орттириш эмасми? Пул ўз оти билан пул-да! Бундай имконият йигит кишига бир маротаба берилади. Бўла қол, ўйланма, ҳазратнинг оёғини ўп!

Қосимнинг қулоқларига Қорачаённинг сўзлари кирмасди. Кўз олдида туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган она замин жонланганди. Наҳот энди Ватанни кўролмаса? Киндик қони томган тупроқ унга ёт бўлса.

Йўқ, у юртини сотмайди. Нотаниш кимсанинг оёғини ўпиб яшагандан кўра бошини баланд кўтариб ўлиб кетгани афзал!

- Мен ўз юртимга хиёнат қилмайман! - ниҳоят тилга кирди Қосим. - Сен айтгандек, бу ерда бойбадавлат яшагандан кўра, юртимда гадо бўлганим афзал!

Ҳафсаласи пир бўлган Қорачаён ўпкасини тўлдириб нафас олди. Уни ўз томонига оғдиролмаслигини тушунди. Қизариб кетган кўзлари яна бир бор ҳазратнинг нигоҳи билан тўқнашди.

Карим Ризо хафсаласизлик билан бош ирғади. Бироқ Қорачаённинг юрагидаги умид шами ҳали сўнмаганди. Нима қилиб бўлса ҳам уни кўндириши, ўз йўлига солиши кераклигини ўйларди. Агар Қосим унинг сўзларига кўниб, ҳазратнинг оёғига бош қўйиб тавба тазарру қилса, обрўйи ошиб кетган бўларди. "Ўз юртимга хиёнат қилмайман", деган сўзи юрагига наштардек ботди. Ҳатто меҳмоннинг умиди сўнди. Қорачаён яна тутқуннинг қулоғига шивирлади.

- Сен ифлос яхшиликни билмадинг, ўлимдан олиб қолмоқчи эдим. Энди ўзингдан кўр!

Алам ва газабдан лаблари дириллаётган Қорачаён бир қўли билан Қосимнинг қулоғидан тутиб шундай буради-ки, йигит оғриқдан чинқариб юборди. Унинг ишораси билан икки жангари тутқуннинг устига ташланди. Қосим ўзини ўнглаб олди ва Қорачаённинг кўкрагига тепиб юборди. У зарбани кутмаганди. Йиқилиб тушди. Халқа бўлиб ўраб турган шериклари кулишди.

- Нега томошабиндек қараб турибсизлар, сотқинни уринглар! - кичқирди Қорачаён. Беш-олти жангари қутурган итдай Қосимга ташланди. Бир-бирларига гал бермай дуч келган жойига мушт ёғдиришди.

- Ур!

- Ўлдир!

- Ҳали сен бизга қўл кўтарадиган бўлдингми, итвачча!

- Жон чиқар ерига сол, аблаҳни!

- Қон қустирмасам отамнинг боласи эмасман!

Жангарилардан бири Қосимнинг орқасидан келиб, маҳкам кучоқлаб олди. Қўлларини орқага қайирди ва Қорачаёнга тўғрилади. У шайтонлаган буқадай рақибининг қорнига тепди. Қосим букчайиб, боши айланиб, ерга қулади. Жангарилар яна унга ташла-нишди. Қосим ерда юмалаб, чанг-чунгга беланиб ётарди. Тепкилар ва муштлар кўз очиргани қўймасди. Букчайиб, қўллари билан юзини тўсиб олганди. Карим Ризо оёқларини керганча тепкиланиб ётган Қосимга тикилиб турарди. Қосим бир оғиз, «тавба қилдим, тақсир, гуноҳимдан ўтинг», деса кифоя, шу заҳотиёқ қўлларини кўтариб, йигитларга «бас қилинглар», деган бўларди. Ва уни калтаклаётган жангарилар азобидан қутқарарди. Бироқ бу сўзни айтиш оёқлар остида тепкиланиб ётган Қосим учун ор эди. «Майли, тишларимни қоқиб олинглар, майли теримни шилинглар, аммо сенларга ялинмайман», - дея ўйларди тепкилар остида қолиб кетган Қосим. Жангарилар тобора қутуришиб, шиққиришиб, маст туядек бўқиришиб, Қосимни калтаклашарди. Уларнинг товонлари қон бўлди. Қорачаён ўзининг нима-ларга қодир эканлигини хўжайинга кўрсатиб қўйиш мавриди келганини тушуниб етганди. Карим Ризо қўлига бежиз ханжар тутқазмаганлигини эслади. Телбалардек, йигитларнинг орасини ёриб ўтди-да, шерикларига деди:

- Бўлди, бас қилинглар! Бу ёғини менга қўйиб беринглар. Энди у билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан! Бунақа дўппослашларингда ўлдириб қўясизлар. Уни азоб-уқубатлар қийноғига солишимиз керак-ку!

Жангарилар «бунга қандай чора кўраркин», деган ўйда бирин-кетин ортга тисарилишди. Қорачаён чала жон бўлиб, тупроқ билан битта бўлиб ётган Қосимнинг бўйнидан тутди. У бўш қопга ўхшарди. Оёқда туролмасди. Икки жангари Қорачаённинг ишораси билан унинг қўлтиғидан тутиб тургазди. Тутқун

зўрға кўзларини очди. Бутун кучини тўшлаб, оғзидаги қонни Қорачаённинг башарасига тупуриб юборди. Жангарилар қийқириб юборишди. Шарманда бўлган Қорачаён қутуриб кетди ва ханжарни қўлига олди. Бир қўли билан тутқуннинг бурнидан ушлади-да, пичокни тортиб юборди. Иссиқ қон атрофга сочилди. Жангарилар олдиларига тушган бурунни кўриб қийқириб юборишди.

- Мана сенга ит, энди бу ердан қочиб кетолмайсан! - дея дағдага қилди Қорачаён. - Ҳали сен бизни ташлаб кетмоқчимидинг? Ўзингни қаҳрамон қилмоқчимидинг? Ҳа, бу ҳали сенга ҳолва. Шундай додингни берайки, онангнинг қорнидан тушганинга минг карра пушаймон ейсан! Ҳой, Карим, Петя қаердасанлар? - Худди чўғни босиб олган одамдек типирчилаб турган Қорачаён атроф-теваракка қараб бўкирарди. - Бу ёққа келсаларинг-чи. Мана бу аблах, сотқинни тутинглар, тагин ўрнидан туриб бизга ҳам-ла қилмасин! Сувонқул, Содик, сенлар курак билан киркани топиб чуқур қазинглар. Бизни сотмоқчи бўлган бу даюсни тириклай кўмамит.

Қорачаённинг қўлидаги пичоқ учидан қон томарди. Карим Ризо чодир томон юрди. Лагерь бошлиғи ҳазратнинг ортидан эргашди. У йигитлар ўртасидаги воқеани кўриб, ич-ичидан хурсанд бўлганди. Бир миллат, бир элнинг болалари бир-бирларини хўлди ўрмонда оч қолган қашқирдек қийнаб, азоблаши унинг юрагига шодлик ва қувонч ҳиссини солганди. У ичкарига киргач Саид Мустафога юзланди.

- Йигитинг чакки эмас. Меҳнатинг зое кетмабди, бўтам, - дея мақтаб қўйди. - Шўро ҳукуматининг тарбиясини олган бу болаларни шу қадар ёвуз бўлиб кетишини хаёлимга келтирмагандим.

- Ҳаммаси тарбиямизнинг самарасида, устоз! - деди лагерь бошлиғи мамнун бўлиб. - Тарбия ҳар қандай жамиятда яшаган одамнинг онгини, дунё-қарашини ўзгартириб ташлашига гувоҳ бўлдим. Одамлар бўридан, йиртқичлардан кўрқишади. Аслида

одамзоддан ваҳший жонзот йўқ, ҳазратим!

Карим Ризо бу ердаги воқеани суратга тушира бошлади.

Қорачаённинг буйруғи билан жангарилар ақл-хушидан бегона бўлган Қосимни тириклай ўра ичиға кўмиб юборишди.

## ҚИСМАТ

Карим Ризо ўттизинчи йилларда шўро ҳукумати-нинг таъқибига учраб, араб давлатларининг биридан паноҳ тошган, шу мамлакатнинг фуқароси бўлиш учун бутун умр ҳаракат қилган Аҳмад Саид исмли муҳожирнинг оиласида дунёга келган яккаю-ягона фарзанд эди. Унинг болалиги шу юртнинг пойтах-тидан унча узоқ бўлмаган шаҳарда ўтди. Карим Ризо оила аъзолари олдида ўз тилида суҳбатлашса-да, падарининг қистови билан чет тилини ўзлаштирди. Келгиндиларнинг болаларига ҳам «муҳожир» деган тамға босилган ҳужжат бериларди. Ўзининг келгин-дилигини ҳеч қачон ёддан чиқармаган Аҳмад Саид кексайганда ўзга юртлардан паноҳ излаш пайига тушди. Фарзандининг «келгинди», деган тамға остида яшашини истамади. Таниш-билишларининг кўмаги билан бир амаллаб Германия федератив республикасига кўчиб кетишди. Ҳаммаси шу ердан бошланди. Эндигина ўн беш, ўн олти ёшга тўлган ўғли бу ердаги ҳамюртларининг эътиборидан четда қолмади. Аҳмад Саид ўзини туркистонлик, деб таништирган Сатим Товоний жаноблари билан дўст тутинди. Товонийни бу хонадонга боғлаган нарса дўстининг ёшгина ўғилчаси эди. Кўринишидан ўта мулойим ва ширин сўз бўлган бу жаноб ёш Карим Ризони ўз чиғириғидан ўтказиш, жосусликка тайёр-лаш мақсадида хонадонга тез-тез ташриф буюрарди. Йигитчанинг тиришқоқлиги ва кўп нарсаларга қизи-қувчанлиги, ўзгаларнинг фикрини билишга инти-лиши, оз гапириб, кўп тинглаши айғоқчининг эъти-



борини тортганди. Уларнинг суҳбати шу қадар узоқ давом этардики, баъзида тонг ёришиб қолганини сезмай қолишарди. Суҳбат мавзуси охир-оқибат, албатта, Ўрта Осиёдаги давлатларни босиб олиш ва уларга эгаллик қилиш масаласига бориб тақаларди.

- Мамлакатда бизни қўллаб-қувватлайдиган ҳам-да Туркистон ўлкасини қайта тиклайдиган тарафдорларимиз анчагина, - дерди уни гапга солаётган меҳмон. - Бироқ шўро улар онгини заҳарлаган. Одамларнинг, ҳатто болаларнинг миясига сотқин, Ватан хоини, деган фикрни кўрғошиндек қуйиб қўйган. Биз Ватандошларга ўзимизнинг кимлигимизни, мақсадимизни етказмоғимиз, уларнинг онгидаги тушунчаларни йўқотмоғимиз лозим, бўтам! Бунинг учун гоаявий кураш олиб бормоғимиз даркор!

Сиёсий кураш ва мафкураларни унчалик тушуниб етмайдиган Карим Ризонинг қалбида аста-секин Туркистон ўлкасига бўлган соғинч ва бу ерда яшаётган халқнинг онгини ўзгартириш ҳис-туйғулари куртак ота бошлади.

- Шўро империясининг тугашига оз кунлар қолди. Тарафдорларимиз у ерда инқилоб қилишга тайёргарлик кўришмоқда. Одамларимиз кечаю-кундуз ишлашмоқда, - дерди Сатим Товоний ишонч билан. - Иншооллоҳ, биз ҳам ўз юртимизга қайтурмиз. Янги давлатни ташкил этиб, янги инсониятни камолга етказурмиз. Коммунистлар бизни юртдан бадарга қилган бўлсалар, энди биз уларни қувамиз!

Бундай пайтларда Сатим Товоний яйраб, берилиб сўзлардики, худди ниятлари эртага руёбга чиқади-гандек. Карим Ризонинг юрагида жаннатдек ҳур ўлканинг ерости ва устки бойликларига эгаллик қилиш истаги жўш уриб кетарди. Сатим Товоний йиғитга Ватанни танитиш билан бирга унинг қалбида шу юртга нисбатан ғаразгўйлик дарвозасини ҳам очиб берди.

- Биз етолмаган, юрагимизда армонга айланиб қолган Ватан дийдорини кўриш энди сизларга nasib

этса, ажаб эмас. Бунинг учун ҳозирданок курашиш керак. Дунёнинг ҳар тарафига тўзиб кетган юртдошлар бирикмоғи даркор.

Бундай пайтларда Карим Ризо ҳам жим туролмасди. Қаршисида кўз ёш тўкаётган мўйсафиднинг ҳолига ачиниб кетарди.

- Ота, менга йўл-йўриқ кўрсатинг, қандай қилиб юртни коммунистлардан тортиб олишим керак? Саргардон юрган ватандошларимни қандай қилсам бир жойга тўплайман?

Сатим Товоний мақсадини йигитнинг онгига етказганидан қувониб кетарди. Томирларидаги қон жунбушга келган бу йигитнинг пешонасини силарди.

- Баракалло бўтам, сиздан ҳақиқий ватанпарвар чиқади. Бунинг учун аввало миллатлар ўртасига раҳна солмоқ, уларни бир-бирига гиж-гижлаб уриштирмоқ, шу йўл билан уруш оловини ёкмoқ даркор!

- Қуруқ гап билан ҳеч нарса битмайди, - сўзида давом этарди Карим Ризо тажанг бўлиб. - Амалий ишга ўтиш керак. Курашни бугундан бошламасак эртага кеч бўлади.

Таклифлар Карим Ризонинг ўзидан чиқаётганлиги Сатим Товоний учун айни муддао эди. Бироқ у йигитни китиклашда давом этарди.

- Менинг ёшим ўтиб қолди, бўтам. Қани энди сиздек навқирон бўлсам, бир ўзим ҳаммасига улгурардим.

Бир ойлик текширувдан сўнг Товоний уни мамлакатнинг ғарбида жойлашган НТС (народний трудово́й союз) ташкилотига етаклаб келди. Уруш йиллари немис аскарлари томонига ўтиб кетган хоинлар бу ерда мамлакатни парчалаш, миллатлар ўртасида ички низоларни келтириб чиқариш учун варақалар тайёрлаш билан машғул эдилар. Улар никоб остида саёҳат уюштиришар ва у ерда ўз одамлари билан учрашиб, олиб ўтган варақаларни тарқатишарди. Ҳатто Карим Ризо икки бор Ўрта Осиё республика-

ларига бориб келди. Ўзи билан олиб ўтган варақаларни ишончли одамларга топширди. Изидан кузатиб юрганлар бу ерда ўзини қандай тутишини назорат қилаётган жосуслар эканлигидан у мутлақо хабарсиз эди. Шундай қилиб Карим ташкилотнинг ишончини қозонди.

Саксонинчи йиллар арафасида Шўро ҳукумати ўз қўшинларини Афғонистонга олиб киргач, Карим Ризо етти ой махсус лагерда тайёргарликдан ўтди. Жосуслик, кўпоровчилик илмидан сабоқ олди. Сўнгра уни Афғонистонга жўнатишди. Бу ерда асирга тушган шўро аскарлари билан ишлаш тўғрисида буйруқ олди. У Афғонистонга келиб, ўзига топширилган вазифани бажаришга шўнғиб кетди. Бироқ, асир тушган йигитлар озчиликни ташкил қиларди ва уларнинг кўпчилиги ўзи ўйлаганидек, Ўрта Осиё миллатларига мансуб эмасди. Ташкилот Афғонистондаги асирларни махсус тайёргарликдан ўтказиш учун ишончли йўриқчилар топишни ҳам Карим Ризонинг ихтиёрига бериб қўйганди. Мамлакатнинг турли бурчакларидан олиб келинган эллик нафар асирни Қандаҳордаги махсус лагерга тўплашди. Карим Ризо тутқунлар билан ишлашни, уларни жосусликка, кўпоровчиликка тайёрлашни Саид Равшанга топширди. У Туркияда истиқомат қилувчи муҳожир жосуснинг фарзанди эди. Асирлар билан ишлаш оғир эди. Йигитлар жосуслик йўлини танлашдан очикдан-очиқ бош тортишди. Шунда Саид Равшан қўлига қонли пичоқни олди. Устозининг “мени одам сони эмас, садоқати қизиқтиради”, деган сўзига амал қилди. Ватанни соғинган, қочишни хаёл қилган кимсаларни аёвсиз жазолади. Уларни осонлик билан ўлдирмади. Юқорининг кўрсатмасига асосан, тириклай терисини шилиб олар, устига қиздирилган ёғ сочар, ёнаётган алангага ташлаб куйдирарди. Бурун, қулоғи ва тилларини кесиб азоблашарди. Бундай қийноқлар йигитларнинг юрагида қўрқув ҳиссини уйғота бошлади. Олти ой ичида ўттиз нафар йигит

қолди.

Кутилмаганда ташкилот ўз жосусини жанубга - Жалолобод вилоятига жўнатди. Бу ерда дала-даштларни сугориш, экин майдонларини кенгайтириш, касалхона, мактаб, турар-жой биноларини қураётган совет одамларига қарши маҳаллий халқни гиж-гижлаш билан шуғулланди. Унинг одамлари янги қуриб битказилган биноларни портлатиб ташлашарди. Сув йўлларини издан чиқаришарди. Мактабларни, касалхоналарни ёкиб ташлашарди. Қайсидир жиҳатдан улар ўз мақсадларига эришдилар. Орадан кўп ўтмай Карим Ризонинг одамлари бомба остида қолиб, ҳалок бўлишди. Тасодиф туфайли ўзи омон қолди. Шундан сўнг ташкилот уни Қандаҳор вилоятининг жанубидаги “қора араблар” номи билан машҳур бўлган жангарилар ичига ташлади. Гуруҳга таниқли террорчилар раҳбарлик қиларди. Улар итоат қилган одамлардан пулни аямасди. Юрагида бойликка, молдунёга ҳаваси кучли бўлган ҳар бир жангари «жиҳод», деб аталмиш «муқаддас» урушга киришни ўзи учун бахт ҳисобларди. Улар ҳеч нарсадан тап тортмасдилар. Ҳаётда ўлим деган хатар борлигини ўйламасдилар ҳам. Одам ўлдириш оддий бир қўғирчоқнинг бўйнини узишдек гап эди. Оломон тўпланиб турган жойларга бориб, ўзларини портлатиб ташлашарди. Булар одамхўрлар галаси эди. Бироқ нотаниш кимсалар орасида жанг қилиш Карим Ризо учун хатарли эди. У ўққа учиб, ўлиги дала-даштлар-да қолиб кетишидан қаттиқ кўрқарди. Бу ерга кел-ганидан минг бора пушаймон бўлди.

Кутилмаганда уни Франциянинг Ош шаҳрига чақириб қолишди. Шундагина Карим Ризо енгил нафас олди. Ҳаёт унга умр деб аталмиш бахтни қайта ато этганлигидан миннатдор бўлди. Аэропортда эски таниши Жон Дик кутиб олди. Жосусни ўзининг қароргоҳига олиб кетди. Жон Карим Ризони нима мақсадда бу ерга таклиф қилганини айтишга шошилмади. Гарчи уни Афғонистонда қандай ишлар қилган-

лигини билсада, сўраб-суриштирди. У ёлгон сўзла-  
мади...

- Сизнинг ишларингиздан хурсандмиз, жаноб. Биз кутгандан ҳам аъло даражада ишладингиз. Раҳбариятнинг миннатдорчилигини сизга етказиш мен учун бахт!

Икки калима олқишдан Карим Ризонинг юзига табассум ёйилди. Жон ҳаменидан қоғоз олиб, унга узатди.

- Сизга ваъда қилинган вилланинг ҳужжатлари! Хоҳлаган пайтингизда Австриянинг Зальцбург шаҳридаги бу кошонада оилангиз билан яшашингиз мумкин. - Карим Ризо сабрсизлик қилди, бошлигининг кўлидаги қоғозга кўл чўзганини ўзи ҳам сезмай қолди. Жон иккинчи қоғозни олар экан, агентнинг шошқалоқлигидан кулиб кўйди. - Бу эса номингизга ўтказилган ўн миллион доллар маблағнинг чеки. Бу ҳам Австрия банкларида сизни кутиб турибди. Хоҳлаган пайтингизда эҳтиёжингиз учун ишлатишингиз мумкин.

Карим Ризо ҳаққираётган юрагини босишга, кўксига сиғмаётган кувончини яширишга қанчалик уринмасин, барибир бунинг улдасидан чиқолмади. Ўрнидан турди. Қўлларини кўксига босиб, Жонга таъзим қилди. Беш йилдан бери кутаётган орзусига ниҳоят етди-ку! Оҳ, бу бойликларни кўлга киритгунча қанчадан-қанча заҳматларни, азобу уқубатларни бошидан кечирмади. Ҳаёт ва ажалнинг илчочкининг дамидек хатарли йўлларини босиб ўтди.

- Бу ҳаммаси эмас, - деди Жон уни умидвор қилиш мақсадида. У Карим Ризони мол-дунёга ўчлигини биларди. Илк бор вилла ва ўн миллион доллар ваъда қилингандаёқ шошиб қолганди. Йўлида учраган ҳар қандай тўсиқни янчиб ўтганди. Қанчадан-қанча йўлига тўғаноқ бўлган одамларни кириб ташлади. Жоннинг раҳбарлари Карим Ризо томонидан қийнаб ўлдирилган одамларнинг тасвирга олинган тасмасини кўрганда даҳшатли фильмларда

ҳам бунақа “томоша”ни кўришмаганини айтишганди. Бойлик Карим Ризонинг иштаҳасини очгани уларга аён эди. Жон:

- Раҳбариятнинг сизга арзимас топшириғи бор. Бу ишнинг уддасидан чиққан кунингиз йиғирма миллион доллар эгаси бўласиз! - деб юрагига гулгула солиб кўйди.

- Қандай топшириқ экан? - шошқалоқлик билан сўради Карим Ризо бошлигининг юзига тикилиб.

- Афғонистонда янги лагерлар очмоқчимиз. - деди шошилмасдан. - Бу лагерда факат шўро давлатининг асирга тушган аскарлари қайта жанговар тайёргарликдан ўтади.

- Тушунмадим...

Жон қадаҳга виски қўйиб симириди..

- Ўзингизга маълумки, кўплаб совет аскарлари жангарилар қўлида асир сақланмоқда. Улар оз бўлсада, биз учун катта куч. Одамларимиз тутқунларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, уларни ўрганди. Аскарлар Ватанга қайтишдан бош тортишмоқда. Биз уларни ўз мақсадимиз йўлида ишлатишни ният қилдик.

- Бу ерда ҳам иккинчи ўчоқ пайдо бўлар эканда, - кулиб кўйди Карим Ризо.

- Мени тушунганингиздан миннатдорман, жаноб.

- Ишончингиз учун раҳмат, Жон. Бироқ шўро аскарлари ўта қайсар, шу билан бирга ишонувчан бўлишади. Биз уларни ўз томонимизга оғдира олармиканмиз?

- Бундан ташвиш чекманг, жаноб. Биз сизнинг ҳузурингизга бошқа мамлакатлардан ўта ишончли, каттикқўл йўриқчиларни жўнатамиз. Улар сизга ёрдам беришади. Сизнинг вазифангиз уларни назорат қилиш, керакли маълумотларни бизга жўнатиб туриш. Шунинг унутмангки, шўро давлати ўз одамларининг онгига бизга қарши заҳарли ғояларни сингдириб ташлаган. Биринчи галда уларнинг миясини тозалаш лозим! Бизга одамнинг сони керак эмас. Мени тушундингизми?

- Тушундим жаноб! Мени кечиринг, бир саволим бор?

- Сўранг!

- Лагерда нималарга эътибор беришим керак?

- Бу соҳада сизга ўргатолмайман, Карим жаноблари, - аҳмоқона саволдан Жоннинг лабларига масха-раомуз табассум югурганди. - Биз билан йигирма йил алоқада бўлган одамсиз. Тажрибангиз олдида мен лолман. НТС ташкилотида олган сабоқларингиз мана энди қўл келади.

- Хотиржам бўлинг, жаноб, қўлимдан келган барча ишни қиламан, ахир иккимизнинг мақсадларимиз муштарак-ку! Афсуски, бизнинг йигирма йилдан бери олиб бораётган барча ҳаракатларимиз натижа бермаяпти! - қизишиб кетган агент яна қовун туширганини сизди. Аммо Жон бунга аҳамият бермади.

- Гапингизга қўшиламан, бироқ меҳнатимиз самарасиз кетмаяпти. Бу борада маълум ютуқларга ҳам эришдик. Давлат раҳбарлари орасига ўзимизнинг ишончли ва содиқ одамларимизни киритдик. Партиянинг обрўсини тўкадиган одамлар сони кўпайди. Ҳукумат ўз аскарларини Афғонистонга киритишига қаршилик кўрсатмадик. Билардикки, бу уруш сиёсат оламида советларнинг шармандасини чиқаради, давлатнинг иқтисодий ривожига путур етказарди. Уруш уларга етти миллиард доллар зиён келтирди. Иқтисод ўтириб қолди. Ишсизлар, ёрдамга муҳтож кишилар сони қирқ фоизга ортди. Давлат раҳбарлари уларни ижтимоий ҳимоя қилишга ожиз бўлиб қолди. Оқибатда, мамлакатнинг 40 фоиз аҳолиси норози бўла бошлади. Булар бизнинг ғалабамиз эмасми, жаноб Карим Ризо? Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларида миллий низоларни келтириб чиқаришга эришдик. Ўрта Осиё республикаларида давлатга қарши норозилик алангасини ёқиш мавриди келди. Сиз тайёрлайдиган йигитлар ана шу алангага мой сепишлари лозим. Юраги Ватан ишқида ёнган сиздек дўстларимиз она юртларини коммунистлардан

тортиб оладиган кун келди. Худо хоҳласа, сиз ўз мамлакатингизга эгалик қиласиз!

Карим Ризо ҳамсуҳбатининг муддаосини тушунди.

- Мен қачондан ишни бошлашим керак, жаноб Жон?

Жон вискини қўлига олди.

- Ташкилотимиз томонидан сизга туҳфа қилинган виллани кўриб, у ерда икки-уч ҳафта дам олинг. Зарур бўлганингизда одамларимиз сизга хабар қилишади.

Уша куни Карим Ризо Австрияга учди. Венадан машинага ўтириб, Зальцбургга йўл олди. Пойтахтдан икки соатлик масофа олисда бўлган, табиати гўзал ва иқлими мўътадил бўлган бу қадимий шаҳарнинг кўркемлиги Карим Ризони ҳайратга солди. У ўзининг янги вилласида атиги уч кун дам олди. Жоннинг одамлари ярим тунда келиб, Карим Ризонинг қўлига самолёт чиптасини тутқазишди.

- Зудлик билан Покистонга боришингиз керак! - дейишди улар. - Сиз учун махсус топшириқ бор!

Эрталабки рейс билан у Карачига учиб кетди. Кетиш олдидан ўзининг ҳашаматли саройига суқ билан тикилди. Унинг юрагида оила аъзоларини кўчириб келиш ва шу ерда тинчгина яшаш истаги уйгонганди. Бироқ бу бино уч ой аввал ташкилотнинг Замбияда отиб ташланган ходимиغا қарашли эканлигидан ҳали беҳабар эди.

Карим Ризо аэропорт ичига кириб келиши биланоқ икки йигит унинг ёнига келди. Ўзларини таништиришмади ҳам. Ортимиздан юринг, дея буйруқ беришди холос. Карим Ризо уларга эргашди. Нотаниш кимсалар жосусни енгил машинага ўтқазишди ва шаҳар четига олиб кетишди. Карим Ризонинг юраги кўркувдан увишиб кетди. Булар ким? Нега ўзларини танитишмади? Мени қаёққа олиб кетишмоқда, деган саволлар хаёлига келди. У қўлини чўнтагига солиб, ўн минг доллар ёзилган чекни маҳкам ушлаб борарди. Ўлдиришмоқчи бўлишса,



чекни инъом килиб қутулиб қоламан, деб ўйларди. Улар жим кетишди. ҳатто бир-бирлари билан гаплашишмади ҳам. Лоақал, ўзаро суҳбатлашишганда мақсадини, қаёққа кетишаётганлигини билиш мумкин эди.

Машина шаҳардан чиқиб, адир ичига кириб кетди. Паст-баланд тепалар кўзга ташланди. Қош қорайиб қолганди. Ястаниб ётган бепоён бўшлиқ унинг юрагига баттар ваҳима солди. Машина йигирма чақиримча ичкарига кириб боргач, йўлнинг ўртасига чиқиб олган олти нафар қуролли одамлар йўлга кўндаланг туриб олишди. Ҳайдовчи тормозни босди. Улар автоматларини йўловчиларга тўғрилашди. Буни ҳеч ким кутмаганди. Карим Ризонинг юрагини яна ваҳима босди.

- Пастга туш ҳамманг! - буюрди қуролли одамлардан бири машина эшигини очиб. Уччалари пастга тушишди. Қароқчилар Карим Ризонинг қўлидан тортиб туширишди. Нотаниш йигитларнинг чўнтақларини тинтиб чиқишди. Ҳеч нарса топишолмагач, Карим Ризони тинтишга киришдилар. Чекни олишиб, бараварига қийқириб юборишди.

- Ўн минг!

Қароқчилар чекни ушлаб турган шеригини ўраб олишди. Улар ўн минглик коғозни кўришга шошилишарди. Бор-будидан айрилган Карим Ризо додлаб юборишига оз қолди. Ёнидаги йигитларни қароқчиларнинг шериги, деб хаёл қилди. Титраб-қақшаб йиғлаб юборди. Боскинчилар унинг додига қулоқ солишмади. Чекни бири олиб, иккинчиси томоша қилишарди. Улар чекка маҳлиё бўлиб, йўловчиларни унутишганди. Бирдан бошини кўллари орасига олиб йиғлаётган Карим Ризонинг қулоғига қарсиллаган, инграган, оҳ урган товушлар чалинди. У шошиб бошини кўтарди. Бояги жангарилар ерда чўзилиб ётишарди. Йигитлардан бири Карим Ризонинг теңасига келди.

- Жаноб, бу чек сизга қарашлимиди?

Карим Ризо ўрнидан ирғиб турди ва чекни олиб, йигитга миннатдорчилик билдирди.

Улар йўлда давом этишди. Жосус ўзини енгил ҳис этар. бояги кўркув ва ҳадиксирашдан асар ҳам қолмаганди. Тинимсиз халоскорларига ташаккур билдирарди. Машина чодир олдига келиб тўхтади. Атроф қоронғу эди. Тиккага келган ой сурма ранг ёғдусини сочиб, борлиқни ёритиб турарди. Ичкаридан чиқиб келган соқолли одам меҳмонларни хонага таклиф қилди. Шифтга ўрнатилган фонар ичкарини ёритиб турарди. Хонада беш нафар нотаниш кимсалар давра қуриб, бир-бирлари билан суҳбатлашиб ўтиришарди. Улар Карим Ризони ўринларидан туриб, кутиб олишди. Афтидан уни кутиб олган кимса етарли маълумотга эга бўлса керак, ундан ҳеч нарса сўраб ўтирмай, шерикларига таништирди:

- Садоқатли дўстларимиздан Карим Ризо ҳазратлари бугундан бошлаб сизларга раҳбарлик қилади. Қандай муаммо бўлса шу кишига мурожаат қиласизлар, - деди у қисқа қилиб. Ўтирганлар ўринларидан туриб, янги бошлиқларига таъзим қилишди. У бир вақтлар етти ойлик лагерда олган сабоқларини эслади. Нимадир дейиш ва уни таништирган нотаниш кимса олдида ўзини кўрсатиш кераклигини ҳис этди.

- Бизга битта бўлса ҳам қўлидан иш келадиган одам тайёрланг. Қочишга уринганларни, хоинларни, тескари ташвиқот юритганларни аяб ўтирманг. Интизом биринчи масала. Жазо эса битта - азоблаб ўлдириш.

Карим Ризо Саид Мустафо билан шу ерда танишди. У болалигидан жосусликка ўргатилганди. Одам танлашда Карим Ризо хатоликка йўл қўймаган экан. Саид Мустафо ҳақиқатан ҳам ўзини кўрсатди. Дастлаб, қўлига йигирма саккиз нафар йигит топширилганди. Улардан ўн бештаси ҳақиқий жосус бўлиб етишди. Ҳар бири осмондаги юлдузни бенарвон узиб тушишга тайёр йигитлар. Бу эса унинг ёмон ишламаганлигини, энг ишончли ва садоқатли йигитларни

олиб қолганлигини билдирарди. Ёнидаги ўриндиқда келаётган Қорачаён эса ана шу йигитларнинг энг сараси. Буни ўз шеригини ўлдиришдан аввал унга айтган гапларидан ҳам билиб олди. Карим Ризо кўз қирини шеригига ташлаб қўйди. Машина чироқлари ёритиб бораётган қоронғу зулмат ичра тикилиб, ўйга толган Қорачаённинг хаёлини бузгиси келмади.

Қорачаён аини пайтда ўзи туғилиб ўсган, вояга етган қишлоғи тўғрисида ўй сурарди. Асирга тушмаганда Зулайҳо билан тўйлари ҳам бўлармиди? Қиз ўз севгилисининг асирга тушганлигини, жосусликка ўргатилаётганлигини билармикин? Балки қора хат борган бўлса, бошқа йигитга турмушга чиқиб кетгандир? Ота-онасичи? Улар фарзандларининг тирик ёки ўлигини билмай юришгандир. Онаси уни қанчалик суярди. Еру кўкка ишонмай катта қилганди. Юрак-бағри эзилиб, ётиб қолмадимикин? Отаси эса негадир боласига безътибор эди. Сууб эркаламасди. Байрамларда бошқа болаларнинг отаси каби совғасаломлар олиб бермасди. Шаҳарларга ўйнатиб бормасди. Уни аллақачон унутиб юборган бўлиши керак. Ўзининг тириклиги ҳақида бирор одам орқали хабар бериш керакмикин? Бу хабар онасининг қулоғига етса, юпаниб, овуниб қолармиди? Карим Ризо билан Саид Мустафо айтган кунлар келса, ўзи уларнинг олдига борар. «Мен тирик эдим она, мана ёнингизга қайтдим. Сизни қанчалик соғинган бўлсам-да, ўзимнинг қаерда ва нима ишлар қилаётганлигимни айтишга ҳаққим йўқ эди», - дейди...

## **ҚОРАЧАЁННИНГ ЎТМИШИ**

Санжар душман жойлашган қишлоқни аниқлаб келиш учун йўлга отланган гуруҳ ичига қўшилиб қолди. Олинган маълумотда бу қишлоқда юзга яқин жангарилар одамларни талаб, уйларини ёқиб юбораётганлиги айтилганди. Командири капитан Богатирев бошлиқ ротага қандай қилиб бўлсада, шу қишлоқда

ўрнашиб олган жангарилар сонини аниқлаш ва уларнинг яшаш жойларини белгилаб келиш вазифасини топширганди. Ярим тунда қишлоққа етиб келган разведкачилар кутилмаганда душман томонидан қўйилган пистирмага рўпара келишди. Отишма бошланди. Ортга хабар беришнинг иложи йўқ эди. Ҳақиқатдан ҳам рация ишламади. Тузатишга фурсат йўқ эди. Душманлар ҳар томондан разведкачиларни ўраб олишди ва аёвсиз ўққа тутишарди. Санжарнинг бундай жангга биринчи кириши эди. У қўрқиб кетди. Каттагина тошнинг орқасига ўтиб, автоматини бағрига босиб ётаверди. У душман томонга бирор мартаба қуролидан ўқ узмади. Унинг учун муҳими душманни йўқ қилиш эмас, тезроқ қочиш, гор ичига беркиниб, шу ерда жон сақлаш эди. Аскарлар Богатиревнинг буйруғи билан ортга чекинишга мажбур бўлишди. Уларни душман ўқидан тоғнинг тошлари ўз ҳимоясига олиши мумкин эди. Жангчилар изма-из қувиб келаётган жангариларни нишонга олиб, қийратиб, тутдек тўкиб ташлашди. Барибир улар кўп эди. Гўё ер остидан бодраб чиққаётган кўзиқориндек кўпайишиб, ҳамла қилишарди. Ўқлари тугаб қолган аскарлар ночор аҳволга тушиб қолишди. Санжарнинг автоматидан ҳамон бирорта ўқ узилмаганди. Ёнида эса тўртта магазин тўла ўқ турарди. Зайниддин ярадор командирини ҳимоя қилиш мақсадида ўқларини отиб, адо қилганди. У қандай қилиб бўлса-да, яраланган командирини панароқ жойга олиб ўтишга ҳаракат қилди. Бунинг учун кимдир ўқ отиб, душманни чалгитиб туриши лозим эди. Бироқ шерикларининг ҳам ўқлари тугаб қолганди. Шундоқ ёнида, тошлар ортида беркиниб ётган Санжарга кўзи тушди.

- Битта магазинни ташла, - сўради Зайниддин. - Ўқларим тугади!

Аммо Санжар унга ўқ беришни хаёлига келтирмади. Қаршисида қорайиб турган горга яқин келиб қолганлигини кўрди. У ўрнидан турди-да, қийин

аҳволда қолган шерикларини ташлаб, эмаклаганча ғорга кириб кетди ва қўлидаги қуролни маҳкам чангаллаганча ўқ овозларининг тинишини кутиб, узоқ вақт ўтирди. Бу орада тонг бўзариб қолди. Ғорда ўтириш хатарли туюлди. Санжар кўрқа-писа ташқарига чиқди. Оёғи остида башараси мажақланиб кетган икки шеригини кўрди. Уларнинг бири командири Богатирев эди. Иккинчисини танимади. Санжар пастлик томон тушиб келар экан, икки жангарини орқа ўгириб турганини кўриб қолди. Улар наша чекиб ўтиришарди. Отишга шайланди. Шарақлаган овоздан жангарилар шошиб ортга ўгирилишди. Қурол кўтариб турган Санжарни кўриб, кайфлари тарқаб, кўрқувдан титраб кетишди. Улардан бири тезда ўзини қўлга олди.

- Шўрави, эрабиё, биродар! - жангари қўли билан имлади.

Санжар жангарилар тўдасига тушиб қолдим, деб кўрқиб кетганди. Уларнинг мулойим сўзлари увишиб қолган юрагига куч бағишлагандек эди. Автоматини елкасига илиб, уларга яқин келди. Жангарилар бир-бирларига қарашди ва чаққонлик билан аскарнинг устига ташланишди. Қўлларини орқага қайириб, чилвир билан боғлашди. Санжар асир тушганлигини сизди. Жангарилар уни гоҳ тепиб, гоҳ сўкиб, ўз қароргоҳларига олиб кетишди. Асир жангарилар бошлигини қийнамади. Саволларига тўғри жавоб қайтарди. Уларга қарши ўқ отмаганини ёнидаги ва автоматдаги ўқлар билан исботлади. Қариялардан эшитган «одам ўлдириш гуноҳ» деган сўзни қайта-қайта такрорлади. У ўз қисмининг қаерга жойлашганини, қисмда қанча аскар борлигини, ўқ-дори-ларнинг миқдорини яшириб ўтирмади. Шундан сўнг жангарилар унга ишбонишди ва ўзлари билан бирга олиб қолишди.

Кунларнинг бирида уни кекса бир одам йўқлаб келди. Санжар билан узоқ суҳбатлашди. Қайси қишлоқда туғилганлигини, ота-боболарининг номини

сўради. Уйи, қишлоқ кўчаларини бир эмас, ўн маротаба чиғиб кўрсатди. Ҳамқишлоқларининг исми-шарифини ёзиб берди. Бу қоғозлар қайта-қайта текширилиб, таққосланиб ўрганилди.

Санжар жангарилар орасида етти ой юрди. Қорлар эриб, баҳор келди. Кейин уни Жалолободда янги ташкил этилган лагерга олиб кетишди. Бу ерда ўзига ўхшаган собиқ жангчилар орасида яшади. Ҳар қандай тубанликларни қилишдан жирканмади. Саид Мустафога ўзини яхши кўрсатиш учун дўстларининг сирини билиб, сотди. Лагердаги ҳаёт ва тарбия уни тош қалбли инсонга айлантирди. Ўз дўстларининг терисини тириклай шилди. Мана шу хислатлари туфайли у ўликлар сафига кўшилмай, жони омон қолди. Қорачаён деган ном олди. Карим Ризонинг эътиборини тортди. Дарвоқе, бу одам уни қаёққа ва нима мақсадда олиб кетмоқда? Дўстларидан ажратиб олишнинг сабаби нимада? Уни кимларнинг даврасига ташламоқчи? Бу саволлар ҳозирча сир эди. Улар кечга яқин манзилга етиб келишди. Дарвозани йигирма ёшлардаги қиз очди. У Карим Ризонинг ягона фарзанди эди. Эғнига спортчиларнинг костюм ва шимини кийиб, ихчамгина бўлиб олган кўҳликкина бу қиз машинада ўтирган Қорачаённинг эътиборини ўзига жалб этди. Мусулмон мамлакатада сочлари қирқилган, эркакча кийиниб олган бундай ҳурилиқони учратаман, деб сира ўйламаганди. Ташқари қоронғу бўлганлиги боис қиз машина ичида ўтирган йигитни кўрмади. Карим Ризо қизи билан кўришиб, кейин ортига ўгирилди.

- Етиб келдик, - деди у ва Қорачаённи қандай ном билан чақиришни билмай, бир зум ўйланиб турди. Қизининг олдида йигитнинг лақабини ошкор қилиш мумкин эмаслигини у яхши биларди.

Қорачаён настга тушди. У ҳовлига, сўнг қарши-сида турган қалам қош қизга қаради. Ҳовли озода ва саришта эди.

- Бу менинг қизим - Шабнам, - деди Карим Ризо

қизи билан Қорачаённи таништириш мақсадида. Қиз жилмайиб, йигитга қўл чўзди.

Шабнам меҳмон учун жой тайёрлаш мақсадида ичкарига кириб кетди. Қорачаён унинг ортидан қараб турди. Уч йилдан бери аёл зотини кўрмаганлиги сабабли юрагининг бир четида унутилаётган эркаклик ҳисси уйғонганди.

## ЛАГЕРДА

Томирларида хайрул умрнинг сўнги қони оқаётган, калтаклар зарбидан эзилиб, ақли-шушидан айрилган Игорь ниқоят кўзларини очди. Оғирлашиб қолган бошини кўтариб, тепага қаради. Кўм-кўк осмон бағрида қанот қоқиб юрган бир жуфт йиртқич қушга назари тушди. Қулоқларига атроф-теварақда бақириб-чақириб юрган йигитларнинг овози чалинди. Игорь ана шу овозлар орасидан ўз дўстининг товушини ажратиб олди. Улар Қосимни тириклай кўмиш тўғрисида маслаҳатлашишарди. Дўстидан айрилиш Игорь учун оғир эди. У надоматлар чекиб йиғлади. Қалбида дўсти учун жангарилардан ўч олиш истаги исён кўтарди.

Дармонсиз панжаларини тугиб, онт ичди. Бошига шундай оғир мусибатларни солган Қорачаённи овозидан таниганди. Игорь зиндондан чиқиш тўғрисида ўйлай бошлади. Қочмаса эртами-кеч унинг бошига ҳам Қосимнинг савдоси тушиши мумкин. Бироқ, уч метрли бу уммондан қандай чиқади? Қўл узатса етмайди. Оёқларини деворга тирай деса, оралиқ ма-софа анчагина.

Игорь тупроқ ичидан уч-тўрт дона суяк топди. Бу ҳайвоннинг қовургалари эди. Суякларни иккига бўлиб, уларни деворга қоқди. Уларга оёқ кўйиб чиқиш мумкиндек эди. Бироқ, суяклар тупроқ остида узоқ турганлиги сабабли мўрт, салгина оғирликни кўтаролмасди. Игорь тун ярим бўлишини, соқчиларнинг ухлаб қолишини кутди. Қурол-аслаҳа омбори

ёнида туну-кун соқчилар навбатчилик қилишини биларди. Лагерь бошлиғи ётадиган чодир ҳам омбор олдида.

Нихоят, ой тиккага келди. Унинг ёғдулари атроф-теваракни, шу жумладан, зиндон ичини гира-шира ёритарди. Бутун диққат-эътиборини зиндондан чиқишга қаратган Игорь деворга қоқилган суякларга оёқ кўйиб тепага тирмашди. Дастлабки суяк уни кўтаролмай синиб кетди. Игорь йиқилиб тушди. Оёғининг ости шилиниб, иссиқ қон чиқди. Оғриқ кучли бўлса-да, йигит яна оёққа турди. Ўсиб кетган тирноқлари деворни ушлашга халақит берарди. Игорь навбатдаги суякка оёғини кўйди. Тепалик яқин қолганди. Атиги бир метр. Оёғини навбатдаги суякка кўйса бас, кўли зиндон тепасига етади. Фақат оёқларини кўтариб турган суяк чидаса бас. Игорь эҳтиёткорлик билан оёқ кўйди. Кўли зиндон тепасидаги темир панжарага етди. Қўрқа-писа гавдасини кўтарди. Йўқ, суяк синмади. Йигит теваракка аланглади. Ой ёритган яйловда ҳеч ким кўринмади. Чодир ичидан кимнингдир йўталгани эшитилди. Қурол омбори ёнида иккита жангари бир-бирининг елкасига бош кўйганча ухлашарди. Игорь ташқарига чиқди. Кўксини совуқ ерга босиб, атрофни кўздан кечирди. Соқчиларни ҳисобга олмаганда ҳеч зоғ кўринмасди. Игорь илондек судралиб, жангарилар томон юрди. Икки қадамдан кейин ер бетидан чиқиб турган одамнинг бошига пешонасини уриб олишига бир баҳя қолди. Қўрқувдан юраги ёрилиб кетаёзди. Мурданинг очик қолган кўзлари ой нурида ялтирарди. Бу тириклай кўмилган Қосимнинг боши эди. Жангарилар атайин калласини ердан чиқариб кўйишганди. Қорачаённинг кўрсатмаси билан тунда каламушлар ғажиб кетсин деб шундай қилинганди. Игорь ўзини тутолмади, дириллаган лабларини маҳкам тишлаганча юрагидаги нафрат ва ғазабни босолмай йиғлаб юборди. Овозини чиқармасликка ҳаракат қилгани билан барибир ич-ичидан сел мисоли тўлиб-



тошиб келаётган ўкирик тишларининг орасини ёриб чиқди. Ўсиб кетган тирноқлари тақир ерни тирнади. Бу орада соқчилардан бири бошини кўтариб, атрофга қаради. Ўн қадам олисда судралиб келаётган шарпани пайкамади, яна уйқуга кетди.

- Мени кечир Қосим, сенга ёрдам беролмадим. Лекин бу газандалардан ўч олмасдан бир қадам ҳам силжимамайман, уларнинг бошига ҳам шундай савдоларни соламан, - дея пичирларди. Игорь соқчиларга яқин келиб қолганди. Уларнинг пишиллаб нафас олишлари қулоғига эшитилиб турарди. Соқчилар ортларидаги шарпани найқашмади. Игорь қўлига илтиган коптокдек тошни олди ва ўзига яқин турган жангарининг бошига солди. У овоз чиқаришга ҳам улгурмади. Ёрилган бошидан оққан қонга беланиб, жон таслим қилди. Иккинчи жангари «қиқ» этган [товушдан уйғониб кетди. Кўзларини очишга улгурмади, шеригининг ёнига йиқилди. Игорь уларнинг қуролини олди. Рўпарасида лагерь бошлиғининг чодирни эди. Эшик вазифасини ўтовчи қалин мато тунги эпкинда ҳилпираб, шитирлаб турарди. Игорнинг ичкарига кириб келганини бошлиқ пайқаб қолди. Қўлини ёстиқ остидаги тўппончага чўзди. Бироқ олишга улгурмади. Игорь автоматнинг кўндоғи билан Саид Мустафонинг бошига солди. Лагерь бошлиғи «иҳ» деди-ю, тўшакка михланиб қолди. Игорь бошлиқнинг хонасидаги темир сандиқда жангарилар тўғрисида муҳим маълумотлар туришидан хабардор эди. Сандиқни очиб, қоғозларни кўйинига солди. Вақт тигиз эди. Тонг ёришиб қолганди. Игорь Қорачаёни тинчитмасдан кетолмасди. Шундай қилгандагина у дўсти учун қасос олган бўларди. Шу мақсадда жангариларнинг чодирни томон юрди. Қўлидаги икка-ла автоматни отишга шайлаб олганди. Ичкарида жангарилар қотиб ухлашарди. Ичкари кирди-ю, овозининг борича қичқирди.

- Хоинлар!!! Қотиллар!!!

Жангарилар чўчиб уйғонишди. Бошларини

кўтаришди. ўзларини ўққа тутиб беришди. Кимдир бақирди. кимдир ўзини ташқарига урмоқчи бўлди. Аммо автоматдан отилаётган ўқлардан омон қолишнинг иложи йўқ эди. Чодир илма-тешик бўлиб кетди. Қаердадир олов кўтарилди. Игорь оёқлари остида қонга беланиб ётган мурдаларнинг устидан ўтиб, ташқарига чиқди. У ҳамон қалтирарди.

Игорь тонг гира-ширасида олти ойлик ҳаёти кечган ва айти пайтда ўзи вайронага айланган лагерни ташлаб йўлга тушди. Юз метрча йўл босгач, олов ичида қолган қурол-аслаҳа омбори портлаб кетди. Ўқларнинг, мина ва снарядларнинг даҳшатли овози еру-кўкни ларзага келтирди. Игорь лагердаги жангариларни, шу жумладан, Қорачаённи ҳам ўлдирдим, дўстим учун қасос олдим, деб ўйлаганди. У лагердан узоқлашар экан, йўл-йўлакай каёққа бориш тўғрисида бош қотирарди. Тоғ ён бағирлаб кетган бу сўқмоқдан юриш хатарли эди. Жангариларни қўллаб-қувватлайдиган ва мунгазам равишда уларни озиқ-овқат билан таъминлаб келаётган кишилар шу сўқмоқдан у ерга келишарди. Игорь шуларни ўйлаб, қадамини илдамлатди. Йигит қарама-қарши томонга бурилган сўқмоққа қайрилишга улгурмади. Тепаликдан югуриб келаётган уч киши рўпарасидан чиқиб қолди. Қўлларида автомат. Афтидан улар ўқ омборидаги портлашни эшитишган бўлишса керак, чопиб келишарди. Улар кийимлари йиртилиб, юз-кўзлари қорайиб кетган йигит билан юзма-юз келишди.

- Се шуд?!

Уччаласи бараварига қўлларидаги автоматнинг учини нотаниш кимсага тўғрилашди.

Игорь лагерь томонга ишора қилди.

- Шўрави!

Нотаниш кимсалар қора тутун бурқсиб турган томонга қарашди. Игорь учун уларнинг чангалдан қутулиш имкони туғилганди. Сапчиб қуролли кишилардан бирининг қорнига, иккинчисининг баша-

расига тегиб йикитди. Қўлларидаги қурол ўзларидан ҳам олисроққа учиб кетди. Улардан бири тезда ўзини ўнглаб олди ва йигитнинг белига тегибди. Икковлари олишиб кетишди. Игорь таслим бўлишни истамасди. Қўлга тушса яна зиндонга ташлашлари, кийноқ ва азобларга солишлари аниқ эди. Шунинг учун ўзидан анча бақувват бўлган кимса билан жон ҳолатда олишарди. Бир амаллаб рақибининг кўлидан маҳкам ушлаб олди ва елкасидан ошириб ташлади. У зудлик билан ердаги автоматлардан бирини қўлга олиши лозим эди. Аммо кўли етиб борганда рақиб унинг оёғидан ушлаб қолди. Бу пайтда Игорь қуролни олишга ва иккинчи оёғи билан рақибининг башарасига тегиб юборишга улгурганди. Игорь автоматнинг тепкисини босди. Ўқ чиқмади. Нотаниш киши яна унга ташланди, аммо қўллари етиб бормади. Бошига тушган қўндоқ унинг ҳаётига нуқта қўйганди. Ерда ётган икки кимсани ҳам чала ўлик ҳолда ташлаб кетиб бўлмасди. Бошлари тошга урилиб, ҳушларини йўқотган кимсалар аста-секин ўзларига келиб, ўринларидан туришга ҳаракат қилишаётганди. Қонга беланган қўндоқ билан уларни ҳам тинчитди. Тонг ёришиб келарди, тезроқ кетиш лозим. Мурдаларни йўлнинг ўртасида қолдириб ҳам бўлмасди. Игорь уларни судраб, кўздан яширин жойга беркитди. Бирининг кийимини кийиб, йўлида давом этди. Қаршисида сарбаланд тоғлар турарди. Қор босган чўққилардан ошиб ўтиши лозим. Елкасига учта автоматни осган Игорь тоққа тирмашди. У тошлар орасидан ўзига йўл очиб борарди. Катта-катта тошлардан ошиб, паст-баландликлардан сакраб ўтарди. Кийимлари йиртилиб, баданлари шилиниб, қонга ботди. Йўлнинг поёни кўринмасди. Пастликда бирорта ҳам қишлоқ кўзга ташланмасди. Икки тоғнинг оралигидаги жарликка дуч келди. Тенага тирмашиб чиқиб бўлмасди. Илон изидек буралиб кетган жарлик пастлик сари кетганди. Одамнинг кучоғига сигмайдиган тошлар юришига ҳалақит

берарди. Терлаб, ҳолсизланиб қолган Игорь ногоҳ юмшоқ нарсани босиб олди. Қўрқиб оёғини тортди. Шундоқ рўпарасида икки кишининг мурдаси ётарди. Жасадлар чириб, шишиб, қуртлаб кетганди. Афтидан, улар ўлимлари олдидан бир-бирлари билан итдек олишишган бўлса керак, таналари қонга беланганди. Игорь димоғига урилган бадбўй исдан нафаси қайтиб, ортга чекинди. У ҳаддан ташқари толиққан эди. Бир зумгина нафасини ростлаб олиш мақсадида каттагина тошга суяниб, кўзларини юмди. Лекин хотиржам бўлолмади. Ортидан қувиб келишаётгандай туюлди. Яна ўрнидан туриб йўлда давом этди. Бир соатча юргач, жарлик тугади. Пастликка дуч келди. Тушиб кетишига оз қолди. Пастликка жуда эҳтиёткорлик билан тушиш керак эди. Салгина ножўя қадам қўйса, нобуд бўлиши ҳеч гап эмасди. Игорь ҳушёрлик билан оёқларини тошларга қўйиб, кўллари билан дарахт шохларига осилиб, пастга туша бошлади. Пастга тушдию, боши мажақланган яна бир мурдага дуч келди. Афтидан, тепадан тушиб кетган бўлса керак. Орқалаган қопини қучоқлаганча жон таслим қилганди. Игорь бу кимсани боя тепада кўрган одамларнинг шериги бўлса керак, деб ўйлади. Мурданинг олдидан беэътибор ўтиб кетолмади. Қопда нима борлиги билан кизиқди. Боғични кесиб, ичини очди. Унда тилло тақинчоқлар, марваридлар, бриллиантлар бор эди. Гарчи бу ерга қуёш нури тушмаган бўлса-да, улар ялтир-юлтир қилиб, йигитнинг кўзини қамаштирди. Уларни кўлига олди. Боя кўрган одамлар мана шу бойлик, деб бир-бирларини ўлдиришганини билди. Эгасига насиб қилмаган хазина бошқаларга буюрар-миди? Игорь йўлида давом этди.

У эрталабгача йўл босди. Ниҳоят, одамлар яшайдиган овулга келди. Очиққанди. Икки кундан бери туз тотмаганди. Яна йўл босди ва ёнғин бўлаётган ҳовли қаршисидан чиқиб қолди. Атрофда беш-олти чоғли одамлар тўпланиб туришарди. Улардан нарироқда икки аёл бир-бирини бағрига

босиб дод соларди. Бошларидан рўмоллари тушиб, сочлари тўзғиб кетганди. Аланга киш-қизил тилини чўзиб, йўлида учраган хас-хашакларни, ёғоч ва тўсинларни комига тортиб, кўкка ўрларди. Оловга яқинлашишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. Эркаклардан бири ерга ўтириб олган, юзи қорайиб, кийимлари йиртилиб кетганди. Икки одам унинг елкасидан босиб турарди. Ҳамманинг кўзи ўт ичида қолиб кетган ёш болада эди. Унинг фарёди аланганинг гувиллаганига кўшилиб кетганди. Боланинг тутун ва аланга тафтидан қорайиб кетган юзи зўрға кўришиб турарди. Иссиқ чаён нишидек бадашига санчиларди. Бола олов тафтига бардош беролмай, ўзини ҳар ёнга уриб, қочарди. Аланга эса уни тўрт томондан исқанжага олиб, қисарди. Игорь болани кўриб қолди. Ёнаётган устунлар қорайиб, ингичкалашиб, қулаб тушиш ҳолига келганди. Игорь ўзини олов ичига урди. Гуриллаб ёнаётган алангани ўк мисоли ёриб ўтди. Қутилмаганда пайдо бўлган, ўзининг ширин жонини аямай олов ичига кириб кетган кимса атрофда кўзлари ёшга тўлган кишиларни ҳайратда қолдирди. Ҳамманинг нигоҳи унга қадалди. Эшик очилганда олов тилини йиғит томонга чўзди ва шу заҳотиёқ кийимларини ёндириб ташлади. Қаердадир ёниб тутаган устун қарсиллаб синди ва устига тушди. Игорь ўзини аранг олиб қочди. Қора ва аччиқ тутун нафасини бўғди. Кўзини очолмай борарди. Шифтдан тушган оловли гўлалар оёқларини куйдирди. «Бола қайси томонда қолди?» - ўйларди йиғит. Ҳақиқатга қулоқларига фақат аланганинг гувиллаши, ёниб тутаётган тўсинларнинг қарсиллагани эшитиларди. Ташқаридаги кимсалар йиғитнинг соғ-саломат қайтиб чиқишидан умид узгандилар. Ким эди у? Нега жонини хатарга қўйиб, олов ичига ўзини урди? Ота ёнаётган уй ичига киришга юраги дов бермаётган дамда бегона йиғит ўтга кириши атрофдагиларни дол қолдирганди.

Ниҳоят, Игорь ачишган кўзларини зўрға очиб,

танаси чўяндек қизиб кетган болани тошиб, уни даст кўтариб орқага қайтди. Кийимлари куйиб, яланғоч бўлиб қолганди. Кучоғида болани кўтариб чиққанда атрофдагилар енгил тин олишди. Сочлари куйиб, баданидан иссиқ ҳовур кўтарилаётган Игорнинг танасида пўрсилдоқлар ҳосил бўлганди. Ёниб тугаётган ғўлага ўхшарди. У болани ерга қўйдию, кўз олди қоронғулашиб, ҳушини йўқотиб ерга йиқилди.

Икки кун ўтиб, ўзига келди. Кўзини очиб кўргани ним қоронғу уй бўлди. Андак фурсат ўтиб, кўзлари равшан тортди. Даҳшатли алангани эслади. Зирқираб оғриётган бадани иссиқни сезгандек бўлди. Ташқаридан оёқ шарпаси келди. Йигит бошини кўтарди. Бўйни ачишиб, оғриқдан инграб юбораёзди. Тенасига ўн олти ёшлардаги қиз келди. Рўмоли билан юзининг ярмини яшириб олган, қошлари зулукдек эди, кўзлари чўғдек ёниб турарди. У йигитга бир нафас тикилиб турди-да, кейин ўзини ташқари урди. Хиёл ўтмай кекса одам кирди.

- Яхшимсан, ўғлим? - қария йигитнинг ёнига тиз чўқди. - Соғайиб кетишингни икки кундан бери Худодан сўрайман! Аллоҳ нолаларимни эшитибди.

Йигит лабини зўрға қимирлатди.

- Су. . уу. . вв...

- Моҳинур! - эшик томонга қараб қичқирди қария.

Остонада бояги қиз кўринди.

- Сув келтир, болам.

Сув ичгач, Игорь ўзига келди.

- Исминг нима, ўғлим?

- Нормухаммад!

- Қаердансан?

- Ҳиротдан.

Қария ўйга толди. У йигитнинг ёлғон сўзлаётганини билганди. Оловда кийимлари ёниб, яланғоч чиққанини, олати кесилмаганлигини кўрганди.

- Мендан яширма, ўғлим, сен гайридинсан. Шўро аскаримсан?

Игорь индамади. Кўзларини юмди.

- Ғайридин бўлсанг ҳам, мендек мусулмонга кўп яхшилик қилдинг. Кексайганимда Аллоҳ берган зурриёдимнинг ҳаётини сақлаб қолдинг. Бобом катта савдогар ўтган. У кишининг Ўрусияда ошналари бўлган. Яқин йилларгача борди-келди қилиб туришган. Сен нима қилиб бу ерда юрибсан? Аскарликдан қочдингми?

Игорь бошига тушган мусибатларни сўзлаб берди.

- Ҳозир Ватанингга кетиш мушкул, болам. Чор тарафда жангарилар изғиб юришибди. Сени шўро аскари эканлигингни билишса, гўштингни нимтанимта қилиб ташлашади. Яхшиси, шу ерда қол. Мен ҳам савдогарман. Покистонда дўконларим бор. Ўша ерда сени олиб кетаман.

Игорь Саид Мустафонинг темир сандиғидан олган маълумотнинг ёниб кетганлигини эслади. Бусиз қисмга қайтолмасди. Ўзини оқлайдиган, айбсизлигини исботлайдиган ҳеч нарса йўқ. Қандай қилиб бошлиқларини «зиндондан қочдим», деб ишонтиради? Бу ерда қолиш ҳам хатарли. Унга панд-насиҳат қилаётган қария ким? Сўзларига ишонса бўладими? Атрофда душманлар изғиб юришган бўлса, эртаиндин тутиб олишлари мумкин-ку! Қўлга тушса, тамом. Лагердан қочгани, ўн олти жангарини ўлдиргани, бу ҳам етмагандек, йўлда яна уч одамни тинчитгани ошкор бўлади. Шунча ишларни қилган одамни ким соғ қўяди? Ким пешонасини силайди? Худо кўрсатмасин, лагернинг кули кўкка соврилганидан жангарилар бошлиғи хабар топган бўлса, уни излаб юришганми? Вақтнинг борида қочгани маъқул.

Игорь кўзларини юмди. Қария «толиқтириб қўйдим», деб хаёл қилди чоғи, ташқарига чиқиб кетди. У қочиш тўғрисида ўйлай бошлади. Ҳали вақт эрта эди. Кеч бўлишини, қош қорайишини кутди. Кийимлари ёниб кетган. Қизариб, ачишаётган кўзлари билан атроф-теваракни кузатди. Хўжайиннинг эски-туски кийими ҳам кўринмади. У ўрнидан турмоқчи бўлди. Куйган терилари тортишиб, шундай

каттиқ оғритди-ки, додлаб юбораёзди. Лекин қайтиб жойига ётмади. Оёғини судраб токчага борди. Тахлаб кўйилган кийимлардан мосини танлади. Қоронғу тушишини кутди.

Моҳинур кирди.

- Овқат олиб келдим, ичинг, - қиз косани йигитнинг олдига кўйди.

Игорь овқатланиб бўлгунча, ёнидан кетмади. Қиз чиқиб кетгач ўрнидан турди. Оксоқланиб дераза олдига келди. Ошиб ўтса бас, у ёғи кўча. Йигит куйган оёғини зўрга кўтарди. Бир амаллаб кўчага чиқди. Оғриқ қаттиқ азоб берди. Вужуди игна санчгандай зиркираб кетди. Додламаслик учун лабини тишлади. У илдам ҳаракат қилиши, бу ердан тезроқ кетиши зарур эди. Акс ҳолда уй эгаси сезиб қолиши ёки душманлар кўлига тушиб қолиши мумкин. Йигит икки-уч қадам босиши биланоқ оёқлари гавдасини кўтаролмай букилиб, ерга ўтириб қолди. Моҳинур малҳам кўтариб кирганда ўрин бўш эди. Қиз кўрқиб кетди. Деразанинг очиқлигини кўриб, ташқарига қаради. Игорь кўчада чўзилиб ётарди.

У ярим тунда ўзига келди. Кўзини очиб, тепасида уй эгасини кўрди.

- Қаёққа кетмоқчи эдинг, болам? - сўради савдогар.

- Ватанимга...

- Сенга айтиб эдим-ку, бу ердан кетолмайсан деб. Чор атрофимизни жангарилар ўраб олишган. Яхшиси соғайгунигча бизникида қол.

- Сизга жабр қилиб кўяман!

- Хавотир олма. Менинг уйимда тинч яшайсан. Бу хонадонга бегоналар кирмайди.

- Иложи бўлса мени юртимга жўнатсангиз, Ватанимни, ота-онамни соғинганман.

- Ҳозирча сенга ёрдам беролмайман, - тўғриси айти қолди қария. - Бир йўлини топгунигизча сабр қилишинг керак. Соғлигингни тиклаб ол. Мен танишларим билан маслаҳатлашай, бир йўлини топсак,



албатта юртингга жўнатамиз. Гапимдан хафа бўлма. Ҳаммаси яхши бўлади. Менинг ҳам бошимга оғир савдо тушган. Беш-олтита қароқчи тунда уйимга бос-тириб кириб, бойлик излашган, тошишолмагач уйни ёқиб кетишган.

- Уларнинг кимлигини биласизми? - сўради Игорь.

- Биламан, болам. Аммо кўлимдан нима ҳам келарди? Ҳаммаси шу кишлоқнинг одамлари. Кунига уч-тўртта уйни талашади. Одамларни кийнашади. Уруш ўғрилар учун кўнгиллари тусаган ишларини қилишга имкон яратиб берди. Уларнинг касофатига Худодан тилаб олган битгаю-битга ўғлимдан айрилиб қолай дедим. Сени Худо етказди.

Иккиси ярим тунгача суҳбатлашиб ўтиришди.

Бир ҳафта ўтгач Игорнинг жароҳати битиб, оёққа турди. Баҳодир Аҳмад ўзининг танишлари билан маслаҳатлашди. Бироқ йигитни юртига қайтаришнинг иложи бўлмади. Шўро ҳукумати мамлакатдан аскарларини олиб чиқиб кетганди. Мамлакатнинг ҳамма шаҳар ва кишлоқларида турли гуруҳлар пайдо бўлиб, ички кураш кучайганди. Тоғ этагидаги кичкинагина бу кишлоқда ҳам бесарлик. Кечалари ўқ овозлари эшитилиб қоларди. Игорни уйдан чиқариш хатарли эди. Буни йигитнинг ўзи ҳам тушунди.

Ярим тунда Игорь аёл кишининг чинқирган товушидан чўчиб уйғонди. Бу Моҳинурнинг овози эди. У сапчиб ўрнидан турди. Эшикни очиб, кўшни хонага қаради. Деразадан туриб турган ой нури хонани ғира-шира ёритиб турарди. Қўлларида автомат ва пичоқ ушлаган, юзига ниқоб таққан уч нотаниш кимса қизнинг теиасида турарди. Улар қизнинг пешонасига автоматни тирашди.

- Отангнинг пуллари қаерда? Тезроқ айт, вақтимиз тигиз! Бизга бойликлар керак! - босқинчилардан бири қизнинг сочини қўлига ўраб, сўроқ қиларди.

- Билмайман! - ерда ётган Моҳинур йиғларди. - Худо ҳаққи, билмайман, менга айтмаганлар!

- Ёлғон гапиряпсан, мегажин! Ҳозир уйингни

тити-питисини чиқариб топиб олсак, ўзинга ёмон бўлади. Биламиз, отангнинг катта бойлиги бор, бутун шаҳарни сотиб олишга қодир. Ўша пуллар қаерда, айт тезроқ! Яхшиликча айтсанг, сени қийнамаймиз!

- Пулларнинг ҳаммаси Покистонда қолган, банкага қўйиб қўйганлар, - ҳиқиллаб йиғларди қиз. Босқинчи уни тепиб юборди. Моҳинур қоптоқдек юмалаб, деворга урилди.

- Айтмасанг, бу уйингни ҳам ўзинга қўшиб ёқиб юборамиз. - учинчи босқинчи қизнинг тепасига келди. Ой нурида ялтираб турган пичоқ билан қизнинг қўйлагини йиртиб ташлади. Моҳинур яланғоч кўкраклари устига қўлларини қўйди. Босқинчи қизнинг қўлини қайирди. Жун босган юзини қизнинг чеҳрасига яқин келтирди.

- Пулни топмасанг уччаламиз номусингга тегиб, шармандангни чиқарамиз!

- Танла, қай бирига розисан?

- Албатта бизнинг қучоғимизда ётиш мазали-да, - деди орқароқда турган босқинчи. Улар ҳиринглаб кулишди. - Тўғрими, дўндиқча?

Игорь оёқ учида юриб келди. Қароқчилар буни пайқашмади. Орқада турган босқинчи миясига тушган зарбадан "ҳиқ" деган овоз чиқардию, йиқилди. Иккинчиси қўлидаги қуролни тўғрилашга улгурмай оёқ зарбасидан икки қулоч нарига учиб кетди. Қизнинг кўкрагини ушлаб турган босқинчи эса, том тушиб кетадигандек бошини чангаллади. У ҳам биқинига тушган тепкидан ер тишлади. Бу орада биринчи мушт еган босқинчи ўрнидан туриб, пичокни кўтариб, Игорьга ташланди. Йигит чаққонлик билан унинг қўлини қайирди ва тиғни ўзининг кўксига санчиб қўйди. Моҳинур ўрнидан туриб, йигитнинг пинжигга отилди.

- Энди буларни нима қилдик? - чўзилиб ётган босқинчиларга ишора қилиб сўради Игорь.

- Ҳушига келса, яна ҳужум қилишлари мумкин, - деди қиз.

- Хавотир олма, уларни ҳушига келмайдиган ки-

либ қўйганман. Моҳинур босқинчиларни кўздан яширин жойга олиб бориб ташлаш кераклигини айтди.

Игорь уларни жарга ташлаб келди.

- Уйимизга ўт қўйган ҳам шулар.

- Уларни танирмидинг?

- Шу ерлик безорилар. Икки йилдан бери одамларнинг мол-мулкини ўғирлаб юришарди.

- Энди қутулдинглар.

- Худога шукр!

- Отанг кўринмайди?

- Укамни табибга кўрсатиш учун шаҳарга олиб кетгандилар. Кеч қолиб, тунаб қолган бўлсалар керак-да!

- Нега ёлғиз қолганингни менга айтмадинг?

- Отам индамагин дегандилар-да.

Игорь ётоқхонага кириб кетди. Совуб қолган тўшак ичига кирдию, шу заҳоти ухлаб қолди. Бир пайт юзига урилган иссиқ нафасдан уйғонди. Тепасида Моҳинур турарди.

- Тинчликми?

- Ёлғиз ётгани кўрқяпман!

Қария пешинда қайтди. Тундаги воқеани қизидан эшитди. Меҳмон уйни ёққан ва ўғирликка тушган қароқчиларнинг додини берганидан ҳайратланди. Бироқ йигит унинг мақтовига аҳамият бермади. Лагерда муштлашиш санъатини ўрганганлиги учун босқинчилар билан олишиш унинг учун оддий ҳол эди.

- Ўғлим, - деди қария Игорьга. - Сен бизга катта яхшилик қилдинг. Бунинг эвазига нима қилишни ҳам билмайман. Бутун бойлигимни берсам ҳам оз. Сендан илтимосим, биз билан қол. Оиламизнинг аъзоси бўл. Сени Покистонга олиб кетаман, савдогарлик қиласан. Дунё кезасан. Юртингга қайтганинг билан сени омон қўйишмайди. Эшитишимча, қўлга тушган асирларга ҳукумат ишонмасмиш. Сен ҳам жангарилар қўлида олти ой тутқунликда яшагансан. Ўзингни оқлай олмайсан. Бунинг устига қишлоқ ва шаҳарларда жангарилар, турли оқим вакиллари бир-бирлари

билан уришишмоқда. Кеча шаҳарга тушганимда янгилик эшитдим. Лагерни портлатиб, жангариларни ўлдириб қочган ўрус йигитни топиш учун толибонлар эллик минг доллар мукофот ажратибди. Бу мукофотнинг дарагини эшитганлар, ўрис миллатига мансуб одамни кидиришмоқда. Худо кўрсатмасин, бу хабар бугун-эрта бизнинг қишлоққа ҳам етиб келади.

Игорь ўйланиб қолди. Йўлда учраган уч одамдан бири тирик қолгандирки, бу ҳақда толибонларга хабар берган. Совурилган миллионлар олдида Игорьнинг боши учун тикилган эллик минг нима эмиш? Бу мамлакатда юз доллар учун одам ўлдирадиган кимсалар бор. Қария айтгандай уни излаб юришган бўлса, тезроқ кетиш лозим. Бироқ қаёққа? Унинг юз-кўзларидан, қолаверса гашидан ҳам таниб қолишадими? Тутиб олишлари ҳеч гап эмас. Ватанга қайтиш учун барча йўллар тўсилган. Лагердан қочганлигини исботловчи ҳужжат ёниб кетган. Давлат аскарларини юртдан олиб чиқиб кетган бўлса, чегаралар мустаҳкамланган.

- Таклифингизга розиман, ота, - деди у қариянинг сўзларини тинглаб бўлгач. - Иложи бўлса қўлимни халоллаб қўйинг. Мусулмон динини қабул қиламан!

Баҳодир Аҳмад Игорьга калимани ўргатди.

- Ла илаҳа иллоллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ!

Йигитнинг зеҳни ўткир эди. Беш-олти маротаба такрорлагандан сўнг хотирасида муҳрланиб қолди.

- Ла илаҳа иллоллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ!

Йигит ширин талаффузда калимани ёд ўқиганда қариянинг кўзи ёшланди. У сартарош қариндошини бошлаб келди. Йигирма бир ёшли йигитни хатна қилишди.

- Мана, энди мусулмон бўлдинг, ўғлим. Бугундан бошлаб ҳақиқий исминг Нормуҳаммад.

Сафарга отланиш арафасида яна тўрт нафар толибонлар уйга бостириб киришди. Бу пайтда Баҳодир Аҳмад бомдод намозидан турганди.

- Уйда ким бор? - сўради улардан бири.

- Тинчликми? - ҳайрон бўлди қария.

- Ғайридин кофирни уйингда сақлаётганмишсан?  
Қани у?

- Уйимда ғайридин йўк!

- Ёлғон! Агар тўғриси айтмасанг, шу ерда отиб ташлаймиз!

- Гапим рост.

- Сен бизга хиёнат қиляпсан, ит! - ўшқирди толибонлардан бири автоматнинг учи билан қариянинг кўкрагига никтаб. - Яхшиликча қаердалигини айт! Раҳнамоларимиз уни яширганингни билишса, сени ва болаларингни ўлимга маҳкум этади!

- Уйимда ғайридин йўк! - такрорлади қария.

- Алдаяпсан, ит!

- Бизни катта пулдан қуруқ қўймоқчимисан, тўнгиз!

- Бўла қол, акс ҳолда ичак-чавоғингни бошинга салла қилиб ўраб қўямиз! - улардан бири қариянинг бикинига пичоқ тиради.

- Уйимда ғайридин йўк! - такрорлади яна савдогар.

Сўроқ қилаётган кимсанинг сабри тугади. Қўлидаги пичоқни қариянинг қорнига санчди. Осмон гир айланиб, борлиқ туман ичида қолгандек чолнинг кўзи ҳеч нарса кўрмай қолди.

Бомдод намозини ўқиб бўлган Нормуҳаммад югуриб ташқарига чиқди. Бошида салла, эгнида узун кўйлак бўлганлиги учун толибонлар танишмади. Босқинчилар савдогарни пичоқлаб қўйган шерикларини ўртага олиб койишарди.

- Ишни расво қилдинг-ку, ярамас!

- Энди кимдан сўроқлаймиз?

Нормуҳаммад қорнини ушлаб, инқиллаб ётган қайнотасининг олдига келди.

- Сен кимсан? - узун бўйли йигит унинг йўлини тўсди.

- Одамман! - пинагини бузмай жавоб қайтарди Нормуҳаммад. Жангарилардан бири унга тикилиб қолди. Қутилмаганда:

- Биз излаб юрган ўрис шу! - деди бақириб.

Бу пайтда уччала толибон шеригига қараб туришганди. Нормухаммад ўзига яқин турган найнов йигитнинг қўлидаги автоматни зарб билан тортиб олди-да, иккинчи йиғитнинг бўйни аралаш тепиб юборди. У йиқилишга улгурмасдан учинчи жангари қорнига берилган зарбадан ерга кулади. Тўртинчи босқинчининг бошига қўндоқ тушди. Биринчи калтак еган жангари ўрнидан туриб, худди маст одамдек гандираклаб эшик томон борарди. Нормухаммад ерда чўзилиб ётган жангарилардан бирининг қўлидаги пичоқни олди-да, унга қарата улоқтирди. Пичоқ унинг кураги ўртасига санчилди. Икки дақиқадан сўнг оғзи-бурни қонга ботган жангарилар ерда чўзилиб ётишарди.

Баҳодир Аҳмад тиг теккан жойни чангаллаб, қонига беланиб, зўрга нафас олиб ётарди. Унинг вужудини совуқ тер босганди.

- Ўғлим, менинг куним битган кўринадир.

- Ундай деманг, ота, - Нормухаммаднинг кўзларига ёш тўлди. Ичкаридан Моҳинур чиқиб келди.

- Қизим, Покистонга бориб, шогирдларимни хожанга таништир. Ишимни энди икковларинг давом эттиринглар. Бу ерда туриш хатарли, болаларим. Мени тупроққа қўйиб, жўнанглар!!

Баҳодир Аҳмад сўзини тугатолмади. Фарзандларининг қўлида жон таслим қилди.

## ПОКИСТОН

Бир ҳафтадан кейин Моҳинур турмуш ўртоғи билан Покистонга жўнади.

Олов ичида қолган ёш Омонуллохон соғайиб кетганди. Икки кун йўл юришгач, Покистондаги уйларига етиб келишди. Ўша куниеқ Моҳинур савдо дўконларидаги сотувчиларни уйига таклиф қилди. Улар ўз хожаларининг вафотини эшитиб, чуқур қайғуришди. Дўконлардаги ишларни Нормухаммад ўз тасарруфига олди. Савдо билан машғул бўлиб, кўп нарсаларни унутди. Дўконга кириб-чиқувчиларнинг

кети узилмасди. Кечки пайтлар ҳам савдо тўхта-масди. Кунларнинг бирида дўконга кирган йигит Нормуҳаммаднинг диққатини тортди. У сотувчидан ниманидир сўради. Иккиси баҳосини келишолмай баҳслашишди. Харидорнинг овози қулоғига таниш туюлди. Шунда у парда ортидан харидорга каради. Юз-кўзлари таниш кўринди. Бир зум ўйга толди. Бирдан ёдига тушдию, раста устига қўйиб турган қўлига боқди. Жимжилоғининг бир қисми узилганди. Юраги гурсиллаб кетди. Таниди. Бу Қорачаён эди! у сотувчига хиёл ўгирилиб, чарм курткани савдолашиб турарди. Нормуҳаммад адашмадимми, дегандек яна унга тикилди. Юзлари, кош-кўзлари, бурни, қулоғининг пастидаги нўхотдек ўсимта - буларнинг барчаси нигоҳидан четда қолмади. “Наҳотки у тирик қолган бўлса? Ахир ҳаммасини отиб ташлагандим-ку? Ўқлар ёмгирида бирорта одамнинг тирик қолиши мумкин эмасди», деган ўй хаёлидан ўтди. “Демак, мен Қосим учун касос ололмабман-да. Унинг руҳи олдида қарзимни узолмабман-да?»

Қорачаён дўкондан чикиб кетди. Нормуҳаммад собиқ қуролдошининг изига тушди. Қорачаён катта-катта қадам ташлаб, орқа-олдига қарамай кетиб борарди. “Сезиб қолдимиз?”, деган ўй йигитнинг дилидан кечди. Нормуҳаммад кузатишда давом этди. Уни кўздан йўқотиб қўйишдан чўчирди. Киракашлар турадиган майдонга келди. Машиналардан бирига ўтириб, жўнаб кетди. Қаёққа кетганлигини билолмай қолган Нормуҳаммад машина рақамини ёдида сақлаб, изига қайтди.

## МАРЖОНБУЛОҚ

198.. йилнинг кузида Маржонбулоқ қишлоғига темир тобут келди. Шу кунга қадар ўттиз мингга яқин аҳоли яшайдиган бу қишлоқдан ҳарбийга кетган бирорта йигитнинг тобути келмаганди. Қаромат опа билан Адҳамжон аканинг Афғонга кетган яккаю-ягона фарзанди хизмат муддати тугаши арафасида

душман ўқидан нобуд бўлганди. Дарвоқе, совет ҳукумати ўз кўшинларини Афғонистон ҳудудига олиб киргандан кейин Маржонбулоқдан бирин-кетин тўққиз йиғит аскарликка кетган бўлса, улардан олтитаси хизмат бурчини ўтаб қайтди. Учтаси баҳорда келиши керак эди. Улар сафида Санжар ҳам бор эди. Ота-она фарзандини интизорлик билан кутаётганда қора хат олишди. Бутун қишлоқ аҳли таъзияга келди. Тобутни олиб келган ҳарбийлар ва туман раҳбарлари ота-онанинг зорларига қулоқ туттишмади.

- Очилмасин, деган буйруқ бор. Биз юқорининг кўрсатмасини бузолмаймиз, - деб изн беришмади. Ота-она ўғилларининг дийдорларини сўнгги бор кўришолмаганидан баттар эзилишди. Она бу ситам олдида ўзини тутолмади. Ҳушдан кетди.

Санжарнинг жангда қаҳрамонлик кўрсатгани чин экан. Туман катталари бу хонадонга алоҳида ҳурмат билан қарашди. Қабри тепасига мрамрдан ёдгорлик ўрнатишди. Орадан кўп ўтмай байналмилалчи жангчи Санжар Собиров «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. Марҳум афсонавий қаҳрамонга айланиб кетди. Москва уни шундай юксак мукофот билан тақдирлагандан кейин маҳаллий ҳокимият тинч турармиди? Аскар ўқиган мактабга, у яшаган кўчага байналмилалчи жангчининг номини берди.

Қаҳрамоннинг отаси ҳам раҳбарларнинг назаридан четда қолмади. Бир пайтлар амал-тақал қилиб ҳуқуқшунослик дипломини олган Адҳам акани кутилмаганда вилоят прокуратурасига чақириб қолишди. Прокурор ўринбосари уни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Чой билан сийлади. Ўғлининг вафот этганидан қайғурди. Қаҳрамон бўлгани билан кутлади.

- Сиздек герой ўғилни вояга етказган инсонни партия ҳамиша қадрлайди. Сиз кўплаб оталарга пример бўладиган инсонсиз. Ўз профессиянгиз бўйича ишлашингиз керак. Район проку-